

Тахририят кенгаши:

Х.Б.Юнусов – СамДВМЧБУ ректори,
профессор (раис)
Ж.А.Азимов – ЎзР ФА академиги (аъзо)
Б.Т.Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмигаси
раиси (аъзо)
А.И.Ятусевич – РФА академиги (аъзо)
Е.Д.Джавадов – РФА академиги (аъзо)
Ю.А.Юлдашбаев – РФА академиги (аъзо)
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси (аъзо)
С.В.Шабунин – РФА академиги (аъзо)
К.В.Племишов – РФА мухбир аъзоси (аъзо)
С.В.Позябин – профессор (аъзо)
Ш.А.Жабборов – профессор (аъзо)
А.О.Орипов – профессор (аъзо)

Тахрир хайъати:

Ҳ.Салимов – профессор
Қ.Норбоев – профессор
А.Даминов – профессор
Р.Б.Давлатов – профессор
Б.Бакиров – профессор
Б.М.Эшбуриев – профессор
Н.Б.Дилмуродов – профессор
Ф.Акрамова – б.ф.д., профессор
Б.А.Элмуродов – профессор
А.Г.Гафуров – профессор
Н.Э.Юлдашев – профессор
Х.Б.Ниёзов – профессор
Б.Д.Нарзиев – профессор
Р.Ф.Рўзиқулов – профессор
А.А.Белко – ВДВМА доценти
Д.И.Федотов – ВДВМА доценти
Х.К.Базаров – доцент
Ш.Х.Қурбонов – доцент
Ж.Б.Юлчиев – доцент
О.Э.Ачилов – в.ф.ф.д. (PhD)

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитаси

Муассислар:

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитаси,
“AGROZOOVETSERVIS”

масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 2018 йил
2 февралда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22.

Тахририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри,
Кушбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru
www.Vetmed.uz

Адади 3640. Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 28.02.2023.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп
этилди. 4,25 б.т. Буюртма № 3.

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Veterinariya meditsinasi, #2 (183)2023 “PRINT-
MAKON” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Чилонзор тумани, 25-мавзе,
47-уй, 45-хонадон.

Соҳамиз фидойилари

Б.Норқобилов – Устознинг ибратли умр зарварақлари 3
А.Алиқулов – Касбидан кадр топганлар 5

Долзарб мавзу

А.О.Орипов, Н.Э.Йўлдошев, Ф.Нарзуллаева, Ф.Хамидов –
Чорва молларининг асосий гельминтозларга қарши даволаш-
профилактика чора-тадбирларининг оптимал муддатлари..... 6
А.О.Орипов, Н.Э.Йўлдошев, Ф.Нарзуллаева, Ф.Хамидов –
Чорва молларининг асосий гельминтозларга қарши
даволаш-профилактика чора-тадбирларининг оптимал
муддатлари (давоми)..... 10

Юқумсиз касалликлар

Ж.Б.Юлчиев, Қ.Н.Норбоев – Отлар орасида ўсмаларнинг
тарқалиши ва диагностикаси 14

Паразитар касалликлар

Q.X.G‘oyibnazarov, N.U.Karimova. A.G‘.G‘afurov – Teyleriozga
qarshi vaksina ishlab chiqarish uchun past virulentli shtamm ajratish
17

Акушерлик ва гинекология

В.М.Eshbo‘riyev.Z.S.Egamberdiyeva, B.S.Alimov – Sigirlarda
tug‘ruqdan keyingi septisemiyanı davolash usullarini
takomillashtirish..... 20

Жаррохлик

М.Рўзиев, С.Мавланов, С.Асқарходжаев – Қорамолларнинг
туёқ касалликлари..... 22

Анатомия ва патфизиология

Н.Б.Нарзиев, Ж.Б.Юльчиев, Л.А.Бахромова, Н.Б.Нарзиева,
Д.Б. Нарзиева – Топографическая анатомия концевого отдела
грудного лимфатического протока коз 24
Р.Р.Мирсаидова – Морфофизиологические параметры органов
пищеварения кроссов кур завозимых в Узбекистан 26

Фармакология ва токсикология

А.Э.Ата-Курбанов, К.Н.Норбаев – Использование
иммуномодулирующих препаратов для предотвращения
гинекологических заболеваний овцематок и повышения
жизнеспособности их приплода 29
Д.К.Юлдашев – Бузоқларнинг неонатал давридаги ич
кетиш касалликлари олдини олишнинг мажмуавий
чора-тадбирлари..... 32

Лаборатория амалиёти

Sp.N.Madraximov, G.X.Mamadullaev, B.Sh.Boybulov,
Sh.Q.Amirov, S. Begmatov, J.Sadikov – Qorabayir zotli otlar
qonining biokimyoviy ko‘rsatkichlari..... 35

Editorial council

Kh.B.Yunusov – rector of Samarkand state university of veterinary medicine, animal husbandry and biotechnology professor (chairman)
J.A.Azimov – UzAS academician (member)
B.T. Norkobilov – Chairman of the Veterinary and Animal Husbandry Development Committee (member)
A.I.Yatusevich – RAS academician (member)
E.D.Djavadov – RAS academician (member)
Y.A.Yuldashbaev – RAS academician (member)
D.A. Devrishov – RAS correspondent member (member)
C.V. Shabunin – RAS academician (member)
K.V.Plemishov – RAS correspondent member (member)
S.V.Pozyabin – professor (member)
Sh.A.Jabborov – professor (member)
A.O.Oripov – professor (member)

Editorial board

C.Salimov – professor
K.Norboev – professor
A.Daminov – professor
R.B. Davlatov – professor
B.Bakirov – professor
B.M. Eshburiev – professor
N.B.Dilmurodov – professor
F.Akramova – doctor of biology – professor
B.A.Elmuurodov – professor
A.G.Gafurov – professor
N.E.Yuldashev – professor
Kh.B.Niyazov – professor
B.D.Narziev – professor
R.F.Ruzikulov – professor
A.A.Belko – associate professor of VSAVM
D.I.Fedotov – associate professor of VSAVM
Kh.K.Bazarov – associate professor
Sh.Kh.Kurbanov – associate professor
J.B.Yulchiev – associate professor
O.E.Achilov – doctor of veterinary (PhD)

Acting Chief Editor:
 Abdunabi ALIKULOV

Editors:
 Dilshod YOLDOSHEV

Designer:
 Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:
 State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

Founders:
 State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan, “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070.
 Editorial address: 4, Kushbegi, 22. Tashkent, 100022
 Tel.: 99 307-01-68,
 97 770-22-35

E-mail: zooveterinariya@mail.ru
 www.Vetmed.uz

circulation: 3640. Index: 1162

Permitted for print: 28.02.2023. Format 60x84 1/8
 Printed by Offset printing 4,25 press works Order #3
 Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #02 (183) 2023

Printed by “PRINT-MAKON”
 Co., Ltd., Tashkent city.
 47/45, Chilanzar 25 quarter .

The devotees of our field

B.Norkobilov – The exemplary life of the teacher 3
A.Alikulov – Specialists who gained respect in their profession 5

Challenging theme

A.O.Oripov, N.E.Yoldoshev, F.Narzullaeva, F.Khamidov – Treatment of livestock main helminthiathis-optimal periods of preventive measures 6
A.O.Oripov, N.E.Yuldashev, F.Narzullaeva, F.Khamidov – Treatment of livestock main helminthiathis-optimal periods of preventive measures (continuation)..... 10

Non-contagious diseases

J.B.Yulchiev, K.N.Norboev – The spread and diagnosis of tumors among horses 14

Parasitic diseases

K.Kh.Goyibnazarov, N.U.Karimova. A.G.Gafurov – Isolation of a low virulence strain for the production of a vaccine against theileriosis 17

Obstetrics and gynecology

B.M.Eshburiev, Z.S.Egamberdieva, B.S.Alimov – Improving methods of treatment of postpartum septicemia in cows..... 20

Surgery

M.Ruziev, S.Mavlanov, S.Askarkhodjaev – Cattle hoof diseases 22

Anatomy and pathophysiology

N.B.Narziev, J.B.Yulchiev, L.A.Bakhromova, N.B.Narzieva, D.B.Narzieva – Topographic anatomy of the terminal thoracic lymphatic duct in goats 24
R.R.Mirsaidova – Morphophysiological parameters of the digestive system of cross-breeding chickens imported to Uzbekistan..... 26

Pharmacology and toxicology

A.E.Ata-Kurbanov, K.N.Norbaev – Using immunomodulatory drugs to prevent gynecological diseases of ewes and increase viability of their offspring 29
D.K.Yuldashev – Comprehensive measures to prevent diarrheal diseases of calves in the neonatal period 32

Laboratory practice

Sr.N.Madrakhimov, G.Kh.Mamadullaev, B.Sh.Boybulov, Sh.K.Amirov, S.Begmatov, J.Sadikov – Biochemical indicators of the blood of Karabair horses..... 35

УСТОЗНИНГ ИБРАТЛИ УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

Инсоннинг ҳаёт мазмуни ўз юрти ва миллати тақдирида қанчалик из қолдиргани билан белгиланади. Агар бу из илм-фан ва кашф этиш салоҳияти билан безатилган бўлса, янги авлодларга намуна бўларли умр китоби яратилади. Ушбу мисралар ҳақиқатдан ҳам академик Жалолоддин Азимовичнинг фаолиятида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Зоология институти бош илмий ходими, академик Жалолоддин Азимович Азимов таваллудининг 85 ҳамда илмий-педагогик ва ижтимоий фаолиятининг 65 йили илм ахли учун ўрганиш мактаби бўлишга молик мазмунга эга.

Устоз болалигидан китобга меҳр қўйди, мактабда, институтда тенгдошларига ўрнак бўлиб ўқиди ҳамда 1963 йил “Ўзбекистон жанубидаги қўйлар гельминтлари ва асосий гельминтозлар динамикаси” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1986 йилда эса Москвада академик К.И.Скрябин номидаги Бутуниттифок гельминтология институтининг ихтисослашган кенгашида “Schistosomatida (Skřjabin et Schulz, 1937) Azimov, 1970 туркумига мансуб трематодаларнинг эколого-таксономик тавсифи ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ориентобильгарциози олдини олишнинг биологик асослари” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимга 1988 йилда профессорлик илмий унвони берилди. 2000 йилда эса Ўзбекистон Фанлар академияси академиги этиб сайланди.

1989-1991 йилларда Ўзбекистон Миллий университети профессори, 1991 йилдан 2009 йилга қадар ЎЗР ФА Зоология институти директори лавозимида ишлади. 2009 йилдан ҳозирга қадар ЎЗР ФА Зоология институтида бош илмий ходими лавозимида ишлаб келмоқда.

Ж.А.Азимов ўз мактабини яратган, таниқли зоолог ва паразитолог олимдир. Унинг илмий тадқиқотлари кенг камровли бўлиб, паразит-хўжайин муносабатларини назарий таҳлил этиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлашнинг илмий асосларини яратишга бағишланган. Олимнинг бу борадаги тадқиқот натижалари жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган фундаментал кашфиётлар сирасига киради. Тадқиқотчи олим қатор паразитларнинг морфология, биологияси, экологиясини кенг камровли тадқиқ этиш асосида мазкур жониворларнинг таснифи, таксономияси, эволюцияси ва филогенияси бўйича ўзига хос назарий концепцияларни ишлаб чиқди. Жумладан, одам ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи шистосоматидларни ўрганиш асосида янги Schistosomatida (Skřjabin et Schulz, 1937) Azimov, 1970 туркумининг таснифий ўрни, эволюцияси ва филогениясини илмий асослаб, унга мансуб бўлган турларнинг морфологияси ва биологиясини қиёсий таҳлил этди. Мазкур трематодалар келтириб чиқарадиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ветеринария амалиётида кенг қўлланилмоқда. Шис-



тосоматидлар соҳасидаги тадқиқотлар эса глобал аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирда шистосомоз муаммоси БМТ қошидаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус дастурига киритилган.

Ж.А.Азимовнинг серқирра илмий фаолияти унинг республика ва хориж журналларида чоп этилган 1000 дан ортиқ илмий мақолаларида ўз аксини топган. 35 дан зиёд монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи, жумладан, Одам ва ҳайвонлар шистосоматидлари» (1975), «Ўзбекистон сут эмизувчи ҳайвонлари гельминтлари» (1975), «Одам ва ҳайвонларнинг па-

разитлари – трематодалар» (1986), «Ўзбекистон тоғ экосистемалари умуртқалилари гельминтлари» (1994), «Паразитология терминларининг изоҳли луғати (2007)», «Ўзбекистон умуртқалилари паразитлари – трематодалар (таркиби, ҳаракатланиши ва биоэкологияси) (2012)», «Паррандалар касалликлари (маълумотнома) (2012)», «Сут эмизувчилар трематодалари – ориентобильгарциялар (2014)» ва бошқалар асарлар мамлакатимиз ва дунё зоологлари томонидан алоҳида қадрланади. Олимнинг «Парранда касалликлари бўйича қисқача маълумотнома» китоби 1987 йил Москвада бўлиб ўтган халқаро китоблар кўргазмасида фахрли ўринни эгаллаган. Устоз томонидан ишлаб чиқилган 30 дан зиёд тавсияномалар иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий қилинган. Шогирдлари билан яратган “Ҳайвонлар шистосомози” (2019) инглиз тилига ўгирилиб, Буюк Британиянинг нуфузли нашриётида (“Schistosomiasis of Animals in Uzbekistan”) чоп этилмоқда.

Академик Ж.А.Азимов қатор халқаро конференция ва симпозиумларда (Германия, Англия, Исроил, Франция, АҚШ, Чехия, Венгрия, Канада, Россия, Украина, Грузия, Арманистон, Қирғизистон, Туркменистон ва б.) фаол қатнашиб, фан ютуқларини кенг илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб келмоқда.

Ж.А.Азимов – бағри кенг, инсонпарвар мураббий. Устоз ўз фаолияти давомида илмий кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратиб келмоқда ва устознинг раҳбарлигида тайёрланган 30 дан ортиқ фан докторлари ҳамда 40 дан зиёд фан номзодлари ва фалсафа докторлари республика ва ҳамдўстлик мамлакатлари илмий муассасалари, олий ўқув юртлари ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатяпти. Жалолоддин Азимович 1991 йилдан 2022 йилгача Зоология институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси бўлиб ишлади.

Ж.А.Азимовнинг 1995-1998 йиллар мобайнида Биологик хилма-хилликни сақлаш Миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этишга қўшган ҳиссаси ҳамда халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги ютуқлари ва хизматларини эътироф этган қатор Халқаро ташкилотлар, фондлар ўз аъзоси этиб сайланган. Жумладан:

Табиатни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон иттифоқи аъзоси (IUCN, 1997 й.);

Табиатни ҳимоя қилиш Бутундунё фонди эксперти (WWF, 1997 й.);

Ўзбекистонда ўсимлик ва ҳайвонлар савдоси конвенцияси илмий органи раҳбари (CITES, 1998 й.);

Миграция қилувчи ҳайвонларни сақлаш конвенцияси илмий консултанти (CMS, 1998 й.);

Биологик хилма-хилликни сақлаш конвенцияси аъзоси (CBD, 1998 й.);

Шистосоматидлар бўйича Европа комиссияси аъзоси (ECS, 2001 й.);

Табиатни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон иттифоқининг Ўзбекистондаги маҳаллий комитети раиси (IUCN, 2002 й.);

Биологик хилма-хилликни сақлаш конвенциясининг Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий ваколатли координатори (CBD, 1999 й.).

1994 йилдан ҳозирга қадар, Ж.А.Азимов бир қанча халқаро илмий лойиҳаларда (CDR, USAID, CRDF, INTAS, Inco Copernikus, Know-How, World Bank, UNDP, JEF, WWF, Wetland International, АҚШ География жамияти, ARS USDA ва бошқалар) координатор ва ижрочи сифатида илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.


Ҳар қандай истеъдод қадрланса, эъзозланса яна ҳам янги марраларга интилади, ўз ҳаёти мазмунининг баҳосини англаб етади. Академик олим Ж.А.Азимовнинг халқ хўжалиги ривожига қўшган улкан ҳиссаси инobatга олиниб, “Меҳнат фахрийси” медали билан мукофотланган (1980 й.), биология фанининг фундаментал ва амалий соҳаларига ва унинг ривожига қўшган тадқиқотлар натижаси учун эса академик К.И.Скрябин медали (Россия) (1980 й.), Бен-Гурион университети медали (Исроил) (1995 й.), Бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш халқаро фондининг сертификати (Покистон) (1995 й.), “Ўзбекистон Фанлар академиясининг 50 йиллиги” медали билан тақдирланди (1993 й.). Умуминсоний қадриятлар ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун “Меценати столетия” халқаро жамоатчилик фондининг лауреати ва “Во имя жизни на земле” медали билан (Россия, 2007 й.) мукофотланди.

2006 йилда жаҳон фани ютуқлари даражасида ба- жарилган фундаменталь тадқиқотлари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази танловининг ғолиби сертификати билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунининг 20 йиллига бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида “Энг на- мунали устоз-шогирд” номинацияси бўйича танлов ғолиблигини қўлга киритди. 2017 йилда ветеринария соҳасидаги алоҳида муваффақиятлари учун “Ветеринария соҳасининг ифтихори” номинацияси бўйича “Олтин тулпор” мукофоти, 2022 йилда “Ветеринария фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йи- гирма олти йиллиги муносабати билан Ватанамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривож- лантириш, маънавиятимизни тиклаш, ёрқин истеъдо- ди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишла- ридаги фаол иштироки учун Азимов Жалолиддин Ази- мович 2017 йил 25 августда Президент фармони билан “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди. Ҳуку- матнинг олий мукофоти устозни янада руҳлантириб, бу- гунги кунда Зоология фанининг барча соҳаларида кенг камровли тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиб, йўл хари- тасига мувофиқ равишда фаолият олиб бормоқда. Устоз яратган мактаб кундан-кунга кенгайиб бораётган бўлиб, республикада соғлом авлоднинг тарбияланишида бу мактабнинг аҳамияти жуда юқоридир.

Олийжаноб инсон бағрикенг устоз, етук мураббий, ўз соҳасида алоҳида мактаб яратган олим, интеллекту- ал қобилият ва маданият соҳиби Жалолиддин Азимович Азимовни улуғ айём билан чин дилдан қўлаймиз ва ул- кан зафарлар тилаймиз.

Баҳром НОРҚОБИЛОВ,
*Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси
раиси, ветеринария фанлари номзоди*



Тошкент вилояти.

– Бугун интернет, ижтимоий тармоқ ҳаётимизнинг ажрал- мас қисмига айланган. Ўзим доимо соҳамизга оид янгиликларни сайтлару телеграмм каналлар орқали кузатиб бораман. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнология- лар университетида бўлиб ўтган “Карьера куни” тадбирини, Олий Мажлисида “Ветеринария тўғрисида”ги Республика қонунига ўзгартиришлар киритилаётганини ҳам интернетда ўқидим, – дей- ди Яллама чегара ветеринария нозирати пункти бошлиғи Хол- дор Жуманов. – Фаолиятимиз ҳақида сўз очсак, ишимиз тўлиқ компьютерлашган, чегарага келган барча автомашиналару одам- лар билан виртуал гаплашамиз, юзма-юз мулоқот борган сари йўқолиб борапти ҳамда бу зиммадаги вазифа- ни тез ва самарали ташкил этиш имконини яратмоқда. Менимча тез фурсатда ветеринария хизматида рақамлаштириш янада устувор бўлади. Шу боис университетда ўқиётган ёшларга энг катта тилагим шу: компьютерда ишлашни пухта ўзлаштиринг, камида иккита хорижий тилларни ўрганинг. Ана шунда сиз энг қимматли ва ҳурматли мутахассисга айланасиз. Дарвоқе, илмий журналда чоп этилаётган муҳим тав- сиялар, олимларнинг хулосалари ҳам ёдингиздан чиқмасин. Бу ҳам ветврач учун жуда муҳим.

КАСБИДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР

Чорвачилик тумани ҳисобланган Нурободда оз эмас кўп эмас, 75 минг бошга яқин қорамоллар, 532 минг бошдан ортиқ қўй-эчкилар боқилмоқда. Бу ҳудудда тажрибали чўпонлару қўли енгил ветврачлар жуда кўп. Қорақўлчилик хўжаликларидagi чорва бош сони ҳам бу йил кўпайиши кутилмоқда. Чунки киши жуда аёзли ўтган бўлса-да, кўклам серёгин бўлиши кутилмоқда. Юз ёшга яқинлашган кексаларнинг башорати бу. Аллоҳ марҳаматини аямасин, қир-адирлар сувга тўйсин, дея ниятлар қилдик. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига тажрибали мутахассис Юсуп Рўзиев раҳбар бўлганини эшитгач, яна хурсанд бўлдик. Чунки у илгари ҳам бўлимга раҳбарлик қилган, сўнг ташхис марказини бошқарди, ўнлаб нурободлик ёшларни билимдон ветврач, зукко мутахассис бўлишига муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек у раҳбар бўлгач, ветврачлар бошқа касб эгаларидан ажратилиб туриши керак, деган мақсадда кўкрак қисмига “ветеринария хизмати” деб ёзилган махсус кийим-бош тиктиришга буюртма берди ва буни барча мутахассисларга совға қилди. Ветеринария хизмати учун зарур бўлган асбоб-ускуналар олиш, тўлиқ жиҳозланиб бир-биридан анча олида жойлашган қишлоқларга ветучастка сифатида ўрнатилган 8 та контейнерни қайта жиҳозлашга ҳам эътибор қаратди.

Нуробод туман ҳокими Сирожиддин Валиқулович Бердиқулов илгари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари бўлгани сабабли чорвачиликни тараққий эттиришда ветхизматнинг нақадар муҳим эканлигини яхши билади. Бу ҳам Юсуп Рўзиевга қўл келмоқда, Нурободда ветврачлар ҳурмати янада ошган. Зубайдулла Эшмирзаев, Хайрулла Ҳасанов, Яшин Эргашев, Содиқ Солиев сингари устоз ветврачлар шоғирдлари билан маҳаллабай ишлаш тизимига кўра доимо чорвадорлар хузурида. Тумандаги чорва в паррандачилик билан машғул бўлган жами 24 минг 569 та хонадоннинг барчаси мутахассислар томонидан тўлиқ камраб олинган. Бу ишларда айниқса Нуро-



бод шаҳар ветеринария пункти мудирини, 65 ёшни қаршилаётган Абдирашид Абжалов ҳамкасбларига ўрнатилган бўлмоқда.

– Институтни тугатиб ишга келганимга 42 йилдан ошди. Дастлаб “Улус” чорвачилик хўжалигида 5 йил ветврачлик қилдим. Иш жараёнида ўқиш бошқа, амалиёт бошқалигини яққол сездим. Устозларим билмаганимда танбеҳ беришди, маҳоратим ошгач мактов эшитдим, шу тариқа кадр топдим, – дейди Абдирашид Абжалов. – Биласизми, инсон келажакда эл назарига тушган, бировга юкинмайдиган одам бўлиши учун гўдаклигиданоқ илмга, билимга ошно бўлиши лозим экан. Буни фарзандларим мисолида кўрдим. Шаҳарда иш бошлагач, 3 ўғил ва бир қизимни намунали боғчага бердим, ўқишию юриштиришини доимо кузатиб бордим. Чет тилларни ўрганишга рағбат уйғотдик. Натижани бугун яққол кўрдим. Катта ўғлим Дилшод пойтахтда тилга тушган тадбиркор, иккинчи ўғлим Дўстбой йирик банк раҳбарларидан бири, кенжатоё ўғлим сайёҳлик соҳасида, кўзимнинг нури саналмиш қизим Манзура эса Алишер Навоий номли ўзбек тили ва адабиёти университетидида филология фанлари доктори даражасига эришди, ёш ва иқтидорли олима сифатида Президент эътиборига тушган. Ҳар гал Тошкентга борганимда, тили бийрон набираларимни кўрганда руҳланиб кетаман.

– Мана шундай билимдон ва тажрибали мутахассислар бизнинг энг катта таянчимиз. Улар эндигина институтни битириб келган ёшларга тўғри йўлни кўрсатиб, ҳалол меҳнат ортидан ҳурмат топиш кераклигини такрор ва такрор айтишмоқда ва ўзлари бу борада ўрнатилган бўлишмоқда. Шу боис бу йил туман ҳокими билан билан келишган ҳолда фидойи ветврачларни давлат мукофотларига тавсия этишни мўлжаллаяпмиз. Бу ҳам соҳамиз нуфузини оширишга хизмат қилади, – дейди Юсуп Рўзиев биз билан хайрлашаркан.

Абдунаби Алиқулов



УДК 616.619.951.575.

А.О.Орипов, ветеринария фанлари доктори, профессор,
Н.Э.Юлдашев, ветеринария фанлари доктори, профессор,
Нарзуллаева Файзинисо, Хамидов Фаррух, магистрлар

ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГЕЛЬМИНТОЗЛАРГА ҚАРШИ ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ ОПТИМАЛ МУДДАТЛАРИ

Аннотация

Мақолада чорва молларининг гельминтозларига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг оптимал муддатлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: нематодозлар, цестодозлар, трематодозлар, антгельминтиклар, гуруҳли, режали-даволаш, профилактика, оптимал муддатлар, йил мавсуми, минтақа.

Summary

The article provides information on the optimal terms of treatment of measures of treatment for measures and the results of private research conducted during the years of independence.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирлари ҳозиргача асосан молларни гельминтлардан тозалаш ёки бошқача қилиб айтганда, гельминтларни ҳайвон организмидан ҳайдаб чиқариш, яъни даволаш дегельминтизацияга асосланган эди. Фақатгина қўй-эчкиларнинг асосий гельминтозларидан ошқозон-ичак стронгилятозлари, анопцефалитозлар ва диктикаулэзга қарши кимёвий профилактика воситаси – антгельминтли туз аралашмалар қўлланиб келинган. Аммо ҳозирги замон шарт-шароити ва гельминтология фанининг ривожланиш даражаси, гельминтозларга қарши курашга янгича ёндашишни тақозо қилади, яъни гельминтозларни даволаш эмас, уларнинг олдини олишга қаратилган, касалликларни турли йўллар ва воситалар билан биоэкологик, кимёвий, ташкилий-хўжалик, техникавий услуб-воситалар билан профилактика қилишга қаратилган бўлиши лозим.

Гельминтозларни ҳам бошқа юқумли, паразитар ва юқумсиз касалликлар каби профилактика қилишнинг қатор афзалликлари бор.

Жумладан, гельминтозларни профилактика қилиш орқали улар ҳайвон организмга етказадиган патоген таъсирининг олди олиниб, гельминтларнинг ҳайвон ички органлари, айниқса жигар, ўпка, ошқозон-ичак тизими каби ҳаётий муҳим органлар фаолиятининг бузилиши ва ундан келиб чиқадиган ва клиник кўзга ташланадиган касаллик белгилари ривожланишининг ва ҳайвоннинг ориқлаши, ҳалок бўлишининг олди олинади. Шуни таъкидлаш лозимки, профилактик воситалар, масалан антгельминт-туз аралашмалар, ҳайвонларнинг гельминтлар билан зарарланишининг 100% олдини олмаса ҳам бу жараёни кескин пасайтиради, айниқса инвазиянинг интенсивлиги жуда паст даражада бўлади (4-5 баровар камаяди).

Гельминтозларнинг олдини олиш, кимёвий ёки биоэкологик, профилактик услуб воситаларни қўллашнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, бу тадбир яйловда боқиладиган чорва моллари организмда гель-

минтларнинг камайиши ёки айрим гельминтлардан умуман ҳоли бўлиши, яйловни соғломлаштириш, яъни уни гельминт тухум ва личинкаларидан тозаланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, гельминтозларга қарши курашнинг самарасини оширади.

Гельминтозларни профилактика қилиш зарурияти яна бир омилга боғлиқ. У ҳам бўлса замонавий антгельминт воситалар – албендазол (албен, албенол, албет, валбазен, оривермин ва хоказолар) фенбендазол (панакур, фенкур, вермитан ва бошқ.) мебендазол (мебенвет), камбендазол (камбан, МК-905), парбендазол (гельматак, верминум) ацетамизол (2-АЦБ), ҳатто нилверм (тетрамизол, немицид, нилзан, оровермол, цитарин, аскаринил, апперкал, конкурат, дикарис, ветерин-вермизол, ветанизол ва бошқ.) кимёвий жиҳатдан бензимидазоллар гуруҳига мансуб бўлиб, уларнинг асосий хусусиятларидан бири – организмдан тез чиқиб кетиши. Бу гуруҳ препаратлар ҳайвон организмга оғиз орқали юборилгандан 6 соатдан кейин қонда пайдо бўлади, унинг энг юқори концентрацияси қўйларда 24 соатдан кейин, қорамолларда эса 30 соатда кузатилади. Препаратларнинг масалан, фенбендазолнинг 77 фоизи ҳайвон тезаги билан, 14 фоизи эса сийдик билан чиқарилади ва 96-102 соат ичида 90-96 фоиз организмдан чиқиб кетади, 6-кунда эса ҳайвон организмда препаратнинг “изи” қолади холос [7; 37 б].

Ўзбекистонда синтез қилиниб ишлаб чиқилган ацетамизол (2-ацетиламино-белзимидазол) препарати ҳам гельминтларга қарши кенг таъсир доирага ва юқори самарадорликка эга бўлиб, у ҳам бошқа бензимидазолларга хос хусусиятга эга. Ацетамизолнинг фармакокинетикасини белгиланган радиоизотоплар ёрдамида ўрганиш натижаларига кўра (матбуотда эълон қилинмаган, А.О.Орипов ва В.А.Тоқонаев маълумотлари) у товуқ организмидан асосан 3 суткада тўлиқ чиқиб кетади ва препаратнинг асосий қисми товуқ экскрементлари орқали чиқиб кетади.

Демак, замонавий антгельминт воситаларининг ҳайвон организмидан тез чиқиб кетиши, бир томондан

ижобий ҳол, чунки чорвачилик маҳсулотлари (сут, гўшт, тухум) препаратдан тоза бўлади, дегельминтизациядан кейин чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилишга қўйилган чеклаш муддатлари қисқаради. Иккинчи томондан эса, бу ҳолнинг салбий жиҳатига ҳам эътибор бериш лозим. Яъни ҳайвонларни дегельминтизация қилишдан кейин кўп ўтмай, (3-6 кунда) ҳайвон организмдан антгельминт дори чиқиб кетгандан кейин у яна гельминтларга чалинади, чунки паразитозлар, жумладан гельминтозларда иммунитет “преимунция” шаклида бўлиб, у организмда паразит бўлгандагина сақланади. Демак, замонавий антгельминт препаратлар – албендазол, фенбендазол, мебендазол ва бошқалар билан дегельминтизация қилинган қўй-эчки ва бошқа ҳайвонлар тез орада яна гельминтозларга чалиниб, касал бўлади.

Бунга йўл қўймаслик учун кимёвий профилактика усулини қўллаш лозим, айниқса йилнинг баҳор ва куз фасллари, гельминтозлар билан зарарланишга қулай шароит бўлган даврларда, бу тадбирни изчиллик билан амалга ошириш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир чора-тадбир, у даволаш чора-тадбири бўлсин, профилактик чора-тадбир бўлсин, улар ўз вақтида ва барча талабларга амал қилган ҳолда бажарилса, кутилган натижани беради. Шунинг учун ҳозир амалиётда қўлланилиб келаётган режали ёки “даволаш” дегельминтизацияни ва қўй-эчкилар асосий гельминтозларига қарши профилактик воситаларни қўллашнинг энг яхши самара берадиган оптимал муддатларини аниқлаш гельминтозларга қарши кураш самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Бундан келиб чиқиб, биз юқорида келтирилган адабиёт маълумотлари Ўзбекистонда чорва молларининг (чўчка ва паррандадан ташқари) асосий гельминтозлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлар ва уларнинг маълумотлари асосида ҳамда чорвачилик юритишнинг ҳозирги технологияси ва айрим шароитларини, замонавий антгельминт препаратлар ва кимёвий профилактика воситаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, асосий гельминтозларга қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирларининг оптимал муддатларини аниқлашни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Бунинг учун эса адабиёт маълумотларини таҳлил қилиб, олдин аниқланган ва тавсия қилинган дегельминтизация муддатларига эътибор қаратдик (1-жадвал).

Жумладан, қўйларнинг асосий гельминтозларини Самарқанд вилоятида ўрганган муаллиф ҳар учала минтақа-чўл-яйлов, тоғ-тоғолди ва суғориладиган минтақаларда барча ёшдаги қўйларни фасциолёз ва дикроцелиозга қарши йил давомида бир марта январь ойида дегельминтизация қилишни тавсия қилган [4; 95-102 б]. Бу касалликларга қарши Республиканинг жанубий вилоятлари – Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг тоғ-тоғолди ва суғориладиган минтақаларида қўйларни йил давомида икки марта: биринчисини – март-апрель ойларида, иккинчисини ноябрь-декабрда ўтказиш тав-

сия қилинган [3;176]. Бошқа бир тадқиқотчи фасциолёз ва дикроцелиозга қарши дегельминтизацияни чўл-яйлов минтақасида апрель ва декабрь ойлари, тоғ-тоғолди минтақасида уч марта апрель-май, сентябрь-октябрь ва декабрь-январда суғориладиган минтақада эса икки марта – апрелда ва октябрда ўтказишни тавсия қилади [4; 159-1656]. Яна бир муаллиф бу гельминтозларга қарши чўл-яйлов минтақада атиги бир марта (декабрда), тоғ-тоғолди минтақасида икки марта март-апрель ва ноябрь-декабрда, суғориладиган минтақада эса уч марта апрель-май, август-сентябрь ва октябрь ойларида ўтказишни тавсия қилган [3а; 2836].

Асосий гельминтозларнинг бошқа гуруҳи – аноплоцефалитозлар, яъни мониезоз, тизаниезоз ва авителлинозга қарши дегельминтизация муддатлари ҳам аниқланиб тавсия қилинган [6; 159-1656;].

Муаллифлар Ўзбекистоннинг жануби Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг тоғ ва тоғолди минтақасида аноплоцефалитозларга қарши йил давомида 3 марта май, август ва декабрь ойларида ўтказишни, Самарқанд вилоятининг тоғолди-тоғ минтақасида ҳам уч марта май, июнь ва август ойларида ўтказиш лозим деб ҳисоблайди. Қашқадарёнинг чўл-яйлов ҳудудида (Косон туманида) қўй-эчкиларни уч марта дегельминтизация қилишни тавсия берган муаллиф, биринчи дегельминтизацияни катта ёшдаги қўйлар отарларида апрелда, қўзиларни эса май ойида ўтказишни, иккинчи дегельминтизацияни барча ёшдаги қўйларда сентябрь ойида ва авителлинозга қарши қўшимча равишда декабрда ўтказиш лозимлигини ўз тажрибаларида исботлаган [3; 176].

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қўйларни йил давомида икки марта август ва декабрда, қўзилар ва бир ёшдан 2 ёшгача июнь-июль, сентябрь ва декабрь ойларида дегельминтизация қилиш тавсия қилинган [11;188-1936]. Асосий гельминтозларнинг яна бир гуруҳи ошқозон-ичак нематодирозлари бўйича ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб борилган ва уларга қарши турли минтақалар шароитида даволаш (режали) дегельминтизация ҳажми ва муддатлари аниқланган.

Қизилқум массивида қўйларнинг аноплоцефалитозларига қарши қуйидаги муддатларда:

- мониезозга қарши, биринчи дегельминтизацияни апрелнинг охири май ойининг бошланишида, иккинчисини октябрь-ноябрь ойларида;

- авителлиноз ва тизаниезозга қарши катта ёшдаги қўйларни май-июнь ойларида, қўзиларни июлнинг охирида, иккинчи марта барча ёшдаги қўйларни октябр-ноябрда дегельминтизация қилишни тавсия этилган [11;188-1936]. Самарқанд вилоятининг қўйчилик хўжаликларида ошқозон-ичак нематодозлари эпизоотологияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланиб уларга қарши дегельминтизацияни барча минтақаларда йил давомида икки марта ўтказиш, жумладан чўл-яйлов минтақада биринчи дегельминтизацияни апрель-май ойларида, иккинчисини эса сентябрь-октябрь (қочиришдан олдин) амалга ошириш тавсия қилинган, тоғ ва тоғ олди

Ўзбекистоннинг турли географик-иқлим минтақаларида асосий гельминтозларга қарши даволаш (режали)

дегельминтизациянинг муддатлари (адабиёт маълумотлари асосида).

Гельминтозлар ва гельмин- тозлар гуруҳи	Адабиёт манбаи, муаллифлар хууд (вилоят, минтақа)	Минтақалар								
		Чўл-яйлов			Тоғолди-тоғ			суғориладиган		
		I	II	III	I	II	III	I	II	III
		Дегельминтизация								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Фасциолёз, дикроцелиоз	Баданин Н.В. 1949 (Самарқанд вил.)	январь	–	–	январь	–	–	январь	–	–
	Никольский Я.Д. 1959 (Ўзбекистон жанубида)	–	–	–	март- апрель	ноябрь- декабрь	–	март- апрель	ноябрь- декабрь	–
	Иргашев И.Х. 1973	апрель	Декабрь	–	апрель- май	сентябрь- октябрь	декабрь- январь	апрель	октябрь	–
	Азимов Ш.А. 1974	декабрь	–	–	март- апрель	ноябрь- декабрь	–	апрель- май	август- сентябрь	октябрь
Мониезиоз, Тизаниезиоз, Авителлиноз	Мардиев М.М., 1967 (Ўзбекистон жанубида)	–	–	–	май	август	декабрь	–	–	–
	Шакиев Е.Ш., 1968 Нематов Т.К., 1977 (Қизилқум)	апрель- май- (июл)	октябрь- ноябрь	–	–	–	–	–	–	–
	Пўлатов Г.С., 1969 (тоғолди-тоғ, Сам. вил.)	–	–	–	май	июнь	август	–	–	–
	Джўраев Х., 1972 (Қашқадарё вил. Косон тум.)	апрель (май)	сентябрь	декабрь	–	–	–	–	–	–
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Ошқозон-ичак нематодозлари	Баданин Н.В., 1949 (Сам. Вил.)	апрель- май	сентябрь- октябрь	–	апрель- май	ноябрь- декабрь	–	апрель- май	ноябрь- декабрь	–
	Никольский Я.Д., 1959 (Қашқад. Вил.)	январь- февраль	март (хурда)	–	январь- февраль	март (хурда)	–	январь- февраль	март (хурда)	–
	Петросян А.С., 1975	апрель-	ноябрь- декабрь	–	–	–	–	–	–	–
	Нематов Т.К., 1977	март- апрель	октябрь- ноябрь (октябрь)	–	–	–	–	–	–	–
	Орипов А.О., 1983	апрель	Ноябр	–	апрель	июнь	октябрь	–	–	–
Гемонхоз	Джураев Х., 1972	–	–	–	январь	март- апрель	–	–	–	–
Хабертиоз	Толстов Г.Ф., 1966 Иргашев И.Х., 1973	декабрь январь	– сентябрь (хурда)	–	октябрь январь	–	–	январь –	– декабрь	–
Маршаллагриоз	Орипов А.О., 1968	апрель- май	октябрь- ноябрь	–	апрель- май	сентябрь- октябрь	–	–	–	–
Нематодироз	Рўзимурадов А., 1967	апрель- май	август- сентябрь	декабрь- январь	апрель- май	август- сентябрь	декабрь- январь	–	–	–
Диктикаулёз	Халикова З., 1969	январь (март)	март (хурда)	–	январь	–	–	–	–	–
	Нематов Т.К., 1977	март- апрель	ноябрь (ноябрь- декабрь)	–	–	–	–	–	–	–

ва суғориладиган минтақаларда биринчи дегельминтизацияни апрель-май, иккинчисини ноябрь-декабрда ўтказиш лозим деб кўрсатилган [1;3-216]. Қашқадарё вилоятида қўйларни ошқозон-ичак нематодозларига қарши ҳар учала географик-иқлим минтақада йил давомида икки марта дегельминтизация қилиш, уларнинг биринчисини январь-февраль ойларида ўтказиш ва барча қўйларни қамраб олиш, март ойида эса танлаб, орик (ночор) қўйларни дегельминтизация қилиш тавсия қилинган [3; 176].

Ўзбекистоннинг айнан қорақўлчилик худудига мос бўлган бу соҳага ихтисослашган Конимех тумани шароитида ошқозон-ичак нематодозлари бўйича тадқиқотлар олиб борган тадқиқотчи, бу гельминтозларга қарши йил давомида икки марта апрель ҳамда ноябрь-декабрь ойларида дегельминтизация ўтказишни тавсия қилган. Қизилқум массивида тадқиқотлар олиб борган яна бир муаллиф эса биринчи дегельминтизацияни март-апрель, иккинчисини эса октябрь-ноябрда, бу йилги қўзиларни эса октябрда дегельминтизация қилиш лозим, деб ҳисоблайди. Ошқозон-ичак нематодозларининг катта гуруҳи трихостронгилидозлар бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борган муаллиф уларга қарши даволаш дегельминтизацияни чўл-яйлов минтақасида апрель ва сентябрь ойларида, тоғ ва тоғ олди минтақада 3 марта апрель, июнь ва октябрь ойларида ўтказиш лозим, деб ҳисоблайди [5; 176].

Умуман, юқорида баён этилган адабиёт маълумотлари бўйича чорва моллари (қорамол, қўй-эчкилар)нинг асосий гельминтозларига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларни амалга оширишнинг муддатлари 1-жадвалда акс эттирилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда чорва молларининг қўй-эчки ва қорамолларнинг асосий гельминтозларига қарши даволаш (режали) дегельминтизациянинг ҳажми (йил давомида неча марта ўтказиши) ва муддатлари бўйича йиғилган маълумотларни таҳлил қилдик ва натижада айрим гельминтозлар ва гельминтозлар гуруҳлари бўйича турли муаллифларнинг маълумотлари асосан бир-бирига ўхшаш бўлсада, айрим гельминтозлар бўйича муаллифларнинг маълумотларида ўзига хос хусусиятлар, масалага бошқача ёндашиш, оптимал муддатлардаги фарқ кўзга ташланади.

Масалан, фасциолёз ва дикроцелиозга қарши барча минтақаларда Н.В.Баданин бир марта, у ҳам бўлса январь ойида дегельминтизация ўтказишни тавсия берган, И.Х.Иргашев ва Ш.А.Азимовлар эса дегельминтизацияни 2-3 марта ўтказишни ва уларнинг муддатларини аниқ белгилаб берганлар (1-жадвал) [1; 214б: 2; 3-21б: 3а; 283 б].

Мониезиоз, тизаниезиоз ва авителлинозга қарши дегельминтизация муддатлари бўйича бир минтақада, яъни тоғ ва тоғолди минтақасида Г.С.Пўлатов ва М.М.Мардиев маълумотларида ҳам фарқ сезилади. Г.С.Пўлатов иккинчи ва учинчи дегельминтизацияни июнь ва августда

ўтказишни тавсия қилган бўлса, М.М.Мардиев август ва декабрь ойларида ўтказишни тавсия қилган (1-жадвал) [6; 159-165б].

Қорақолпоғистон шароитида аноплочефалитозларга қарши август ва декабрь ойларида [11;188-193б], Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг чўл-яйлов минтақасида баҳорда апрель-май, кузда эса Х.Джўраев сентябрда, Т.К.Нематов октябрь-ноябрда дегельминтизация ўтказишни маъқуллайдилар [3; 17б: 5;17 б].

Худди шунга ўхшаш фарқ ошқозон-ичак нематодозларига қарши дегельминтизация бўйича ҳам кўзга ташланади.

Масалан, Н.В.Баданин Самарқанд вилоятида бу гельминтозларга қарши барча минтақаларда икки марта, тоғ ва тоғолди ҳамда суғориладиган минтақаларда апрель-май ва ноябрь-декабрь ойларида, чўл-яйлов минтақасида апрель-май ва сентябрь-октябрда дегельминтизация ўтказиш зарур деб ҳисобланган. Аммо Қашқадарёнинг ҳар учала минтақасида қўйларни асосан бир марта, у ҳам бўлса январь-февраль ойларида дегельминтизация қилиб, март ойида орик, ночор (хурда) қўйларни танлаб даволашни тавсия қилган [2; 3-21б].

Худди шундай ҳолат диктикаулёз бўйича тавсияларида ҳам кузатилади [10; 29б].

Ошқозон-ичак нематодозлари гуруҳига кирувчи алоҳида-алоҳида гельминтозлар (гемонхоз, маршаллагиноз, нематодироз, хабертиоз) бўйича ҳам турли муаллифларнинг маълумотларида айрим фарқлар бор, аммо улар унча катта эмас ва ҳар бир худуднинг шароитига қараб тавсия қилинганлигидан далолат беради.

Даволаш (режали) дегельминтизация бўйича аниқланган ва тавсия қилинган муддатлар билан биргаликда қўй-эчкиларнинг ошқозон-ичак нематодозлари, диктикаулёз ва аноплочефалитозлар (мониезиоз, тизаниезиоз, авителлиноз)га қарши кимёвий профилактика, яъни феноиазин, мис купороси ва туз аралашмаси “ФМТА”ни қўллаш муддатлари бўйича ҳам тадқиқотчилар маълумотларида айрим номутаносиблик бор. Бу тадбирни Ўзбекистонда қўллашнинг асосчиси И.Х.Иргашев тавсиясига кўра, Республиканинг барча минтақаларида у 1 октябрдан 31 майгача қўлланилиши лозим [3а; 283 б].

Сурхондарё вилоятида қўйларнинг аноплочефалитозларига қарши ФМТАни сентябрдан бошлаб май ойининг охиригача қўллаш яхши натижа кўрсатганлиги ҳақида маълумот берилади [6; 159-165б].

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари (Сурхондарё, Қашқадарё)нинг чўл-яйлов минтақасида антгельминтлитуз аралашмани октябрь-апрель ойларида, агар қўйлар тоғли яйловларга ҳайдаладиган бўлса, йил давомида, тоғ ва тоғолди минтақасида эса йил давомида қўллаш ҳам тавсия қилинган [3;17б: 4; 95-102б: 6; 159-165б]. Яна бир муаллиф [3а; 283 б] ҳам ФМТАни қўйларга 1 октябрдан май ойининг охиригача, айрим тоғли худудларда ёз ойлари ҳам едириш зарурлиги ҳақида тавсия беради. **(давоми бор)**.

УДК 616.619.951.575.

А.О.Орипов, ветеринария фанлари доктори, профессор,
Н.Э.Йўлдошев, ветеринария фанлари доктори, профессор,
Файзинисо Нарзуллаева, Фаррух Хамидов, магистрлар

ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИГА ҚАРШИ ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ ОПТИМАЛ МУДДАТЛАРИ (давоми)

Хусусий тадқиқотлар

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган адабиёт маълумотлари ҳамда охириги йилларда олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, ҳозирги даврда чорва молларининг асосий гельминтозлари (ларвал цестодозлардан ташқари) куйидагилар деб ҳисоблаймиз:

- қорамолларда – фасциолёз, дикроцелиоз, ошқозон-ичак стронгилятозлари, мониезиоз, айрим ҳудудларда ориентибильгарциоз, парамфистоматозлар;

- қўйларда – ошқозон-ичак стронгилятозлари (маршаллагияоз, немато дирёз), диктиокаулёз, мониезиоз, трихоцефалёз, суғориладиган ва тоғ ва тоғ олди минтақаларда фасциолёз, дикроцелиоз, айрим ҳудудларда ориентибильгарциоз ҳисобланади.

Мазкур гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирлари, қўлланиладиган антгельминт воситалар, уларни қўллаш услублари, даволаш ва профилактик чора-тадбирларининг оптимал муддатлари, бир сўз билан айтганда, “гельминтозларга қарши кураш мажмуаси” ҳозирги даврда, яъни чорвачилик юритиш технологиясининг ўзгариши, чорвачиликнинг хусусийлаштирилган тармоғи ривожланиб бораётган, деҳқон-фермер хўжаликлари чорвачиликнинг асосини ташкил қилган даврда жиддий ўзгаришларга дуч келди. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳозирги даврда гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирлар, дегельминтизация ва унинг услуб-воситаларига янгича ёндашиш дегельминтизация ўтказишни оптимал муддатларда амалга ошириш лозим.

Гельминтозларга қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирларининг оптимал муддатларда ўтказилиши, бизнинг фикримизча, куйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:

- биринчидан, дегельминтизацияни ҳайвон гельминтлар билан энг кўп зарарланиш даврда, гельминтлар ривожланишининг преимагинал даврида, яъни улар вояга етгунча ўтказилиши лозим. Бу билан гельминтларнинг ҳайвон организмга кучли патоген таъсир ўтказишининг олди олинади;

- иккинчидан, гельминтларни вояга етиб тухум чиқара бошлагандан олдин организмдан ҳайдаб чиқариш ташки муҳитни гельминт тухум ва личинкалари билан зарарланишининг олдини олади;

- учинчидан, яйловни «стерилизация» қилишни, яъни ёзнинг иссиқ ва қуруқ табиатини ҳамда қуёш нурининг гельминт тухум ва личинкаларга таъсири, кишда

эса ҳароратнинг кескин пасайиб, ер (яйлов) музлаши, музлаб, эриб яна музлаши каби биоэкологик факторлар гельминтларнинг инвазион элементларига салбий таъсир кўрсатади ва уларни зарарсизлантиради. Бу жараёнлар ўзига хос географик-иклимга эга бўлган бизнинг республикамизда яққол кўзга ташланади. Бу экологик омилларни гельминтлар тухум-личинкаларига қарши йўналтириш лозим. Юқорида таъкидланганидек, эпизоотологик маълумотларнинг таҳлилдандан келиб чиқиб, ҳозирги даврда чорвачиликда иш юритиш технологияси ва бошқа ўзгаришларни ҳисобга олиб, замонавий антгельминт препаратларнинг кенг таъсир доирага эга эканлигини, уларнинг кам заҳарлилиги ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, чорва молларининг асосий гельминтозларига қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирларининг оптимал муддатлари куйидагича белгилашни лозим деб ҳисоблаймиз (2-жадвал).

Қорамол ва қўйларнинг фасциолёзига қарши суғориладиган ва тоғ ва тоғолди минтақаларида апрель-май, сентябрь-октябрь ва декабрь-январда даволаш, яъни режали дегельминтизацияни ўтказиш лозим. Фасциолёз билан моллар асосан ёзда (июнь-августда) зарарланишни назарда тутиб сентябрь-октябрь, айрим ҳолларда, яъни зарурият туғилганда ноябр-декабрда ўтказиладиган дегельминтизацияни ёш, вояга етмаган преимагинал фасциолаларга таъсир қиладиган антгельминт препаратлар – таркибида клозантел бўлган препаратлар билан амалга ошириш лозим. Профилактик чора-тадбир сифатида яйловда малакологик текширишлар олиб бориб, моллюскалар пайдо бўлгандан бошлаб улар тўлиқ йўқотилгунча уларга қарши чора-тадбирлар қўллаш – қуриштириш, физикавий ва кимёвий усуллар билан уларни йўқотиш лозим. Дикроцелиозга қарши молларни декабрь-январь ва июль-август ойларидан дегельминтизация қилиш тавсия этилади. Бу тадбирни ўтказишда фасциолёзга қарши қўлланиладиган антгельминт препаратлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кавшовчи ҳайвонлар, яъни қорамол ва қўй-эчкиларда аноплоцефалёзлар, айниқса мониезиоз ва тизаниезиоз кенг тарқалган. Айрим ҳудудларда авителлиноз ҳам хуруж қилиб, катта талофат етказиши кузатилмоқда. Бу гельминтозларга қарши даволаш дегельминтизацияни суғориладиган минтақада апрель ва сентябрь ойларидан, тоғ ва тоғ олди минтақада апрель-май ва июль-августда, чўл-яйлов минтақада эса май-июнь, қўзиларни июль-август (оналаридан ажратиш даврида) ҳамда барча ёшдаги

**Гельминтозларга қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирлар
ва уларнинг оптимал муддатлари**

Гельминтозлар	Ҳайвонлар тури	Режали (даволаш) дегельминтизацияси			Профилактика чора-тадбирлари
		суғориладиган минтақада	тоғ-тоғолди минтақада	чўл-яйлов минтақада	
1	2	3	4	5	6
Фасциолёз Ориентобильгарциоз, Парамфистоматозлар	Қорамол ва қўй-эчкилар	I апрель-май II август-сентябрь III ноябрь-декабрь	I апрель-май II август-сентябрь III декабрь	зарурият бўлганда I марта ноябрь-декабрь ойида	Фасциола ва ориентобильгарция ва парамфистоматларнинг оралик хўжайинлари – чучук сув моллюскаларини йўқотиш. (апрель-сентябрь)
Дикроцелиоз	Қўй-эчкилар ва қорамоллар	I январь II июль-август	I декабрь II июль	деярли учрамайди	Дикроцелияларнинг оралик (курукликда яшовчи моллюскалар) ва қўшимча (чумолилар) хўжайинларини йўқотиш (март-октябрь)
Мониезиоз, (ва бошқа аноплочефалитозлар)	Қўй-эчки	I апрель II сентябрь	I апрель-май II июль-август	I март – апрель (тўлдан кейин) II август-сентябрь	Антгельминт-туз аралашмаларни қўллаш чўл-яйлов минтақада – октябрдан майнинг охиригача, тоғ-тоғ олди ва суғориладиган минтақаларда – йил давомида
	Қорамоллар (яйловда боқиладиган)	I апрель II октябрь-ноябрь	I май II сентябрь-октябрь	I апрель II октябрь-ноябрь	Антгельминт-туз аралашмаларни қўллаш: (йил давомида)
Ошқозон-ичак нематодозлари	Қўй-эчкилар	I апрель II июнь-июль III октябрь-ноябрь	I май II июль III сентябрь	I март-апрель II октябрь қўзиларни бир марта – сентябрь-октябрда	Антгельминт-туз аралашмаларни қўллаш: чўл-яйлов минтақада I ноябрдан 31 майгача; суғориладиган ва тоғ ва тоғ олди минтақаларда йил давомида
	Қорамоллар (яйловда боқиладиган)	I апрель II июль III ноябрь	I май II июль III сентябрь-октябрь	I март-апрель II ноябрь-декабрь	Антгельминт-туз яламаларни қўллаш (йил давомида)
Диктикаулёз	Қўй-эчкилар	I апрель-май	I май	I март-апрель	Антгельминт-туз аралашмалар ва яламаларни қўллаш

молларни кузда – сентябрь ойининг охирида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Қорамоллар (асосан яйловда боқиладиган)да ҳам мониезиоз ва бошқа аноплочефалитозлар учраб туради. Уларга қарши суғориладиган ва чўл-яйлов минтақасида апрелда ва октябр-ноябрда, тоғ ва тоғ олди минтақада май ойида ва сентябрь-октябрда дегельминтизация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ошқозон-ичак стронгилятозлари-маршаллагриоз, нематодироз, остертагриоз ва бошқ., қўй-эчкилар орасида кенг тарқалган ва катта иқтисодий зарар етказиб келадиган гельминтозлар қаторига киради. Бу гельминтозлар қорамолларда, айниқса бузоқларда ҳам тез-тез учраб туради. Охирги йилларда трихоцефалёз ҳам кенг тарқалмоқда. Бу гельминтозларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ўрганилиб, уларнинг эпизоотологияси аниқланган. Аммо уларга қарши даволаш ва профилактика чоралари бир вақтда ўтказилиши лозим.

Бу гуруҳ гельминтозларга, яъни ошқозон-ичак нематодозларига қарши даволаш дегельминтизациясини қуйидаги муддатларда ўтказиш тавсия қилинади:

- суғориладиган ҳудудларда биринчи дегельминтизацияни апрелда, иккинчисини июнь-июлда ва учинчи дегельминтизацияни октябр-ноябрда;

- тоғ ва тоғолди минтақасида, I дегельминтизацияни майда, II июлда, III сентябрь-октябрь ойларида;

- чўл-яйлов минтақасида қўзиларни йил давомида I марта август-сентябрда, катта ёшдаги молларни баҳорда март-апрель, кузда ноябр ойида дегельминтизация қилиш лозим. Диктикаулёз ҳам асосан қўй-эчкиларда, кенг тарқалган гельминтоз бўлиб, унга қарши даволаш дегельминтизацияни суғориладиган минтақада апрел-май ва октябр-ноябрь ойлари, тоғ ва тоғ олди минтақадаги хўжаликларда май ойида, июлда ҳамда III ишловни сентябрь-октябрь ойларида ўтказиш лозим. Чўл-яйлов минтақасида эса диктикаулёзга қарши дегельминтизация

яни ошқозон-ичак нематодозларига қарши дегельминтизация билан бир вақтда, март-апрель ва октябрь-ноябрда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Қорамол, қўй-эчки ва бошқа тур ҳайвонларда (от, туя, эшак ва бошқ.), айрим ҳудудларда (Қорақолпоғистон Республикаси, Сурхондарёнинг Амударё соҳили атрофидаги айрим ҳудудлар, Тошкент вилоятининг айрим хўжаликлари) ориентобильгарциоз кенг тарқалиб, катта зарар етказиши кузатилмоқда [3а; 283 б]. Бу дегельминтозга қарши кураш, дегельминтизация ўтказиш тартиби фасциолёзга қарши ўтказиладиган тадбирларга ўхшаш. Ориентобильгарциозга қарши даволаш дегельминтизациясини апрель, сентябр, декабрь-январь ойларда ўтказиш лозим.

Гельминтозларга қарши курашда режали, яъни даволаш дегельминтизацияси билан бир қаторда, профилактик чора-тадбирлар, жумладан кимёвий профилактика, яъни молларга антгельминтли туз аралашмаларни эркин едира бориш, яйловни гельминтларнинг тухум-личинкаларидан тозалаш, биогельминтозлар кўзгатувчиларнинг оралик ва қўшимча хўжайинларига қарши кураш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Фасциолёз, ориентобильгарциоз парамфистоматозлар (каликофороз, лиорхоз, гастротиликсоз ва парамфистомоз)га қарши курашда, уларни кўзгатувчиларининг оралик хўжайинлари – чучук сув моллюскаларига қарши доимий кураш олиб бориш лозим. Моллюскалар яйловдаги сув манбаларида пайдо бўлишидан то улар йўқолганга қадар улар тарқалган ҳудуд ва биотопларни назорат қилиш лозим. Дикроцелиозга қарши, уларнинг кўзгатувчилари, яъни дикроцелияларнинг Ўзбекистонда оралик хўжайинлари бўлмиш қуруқликда яшовчи моллюскалар яшайдиган “ўчоқ”ларни аниқлаб, яйловнинг шу жойини ҳайдаш (ағдариш) ёки кимёвий препаратлар (калий хлорид, аммиакли селитра) билан ишлов бериш лозим. Ошқозон-ичак стронгилятозлари, умуман нематодозлар, шу жумладан ўпка стронгилятозлари (диктиокаулёз, прото-стронгилёз, мюллерияоз ва бошқ.), ҳамда мониезиоз ва бошқа аноплоцефалитозларга қарши кимёвий профилактик восита- антгельминт-туз аралашмаларни чўл яйлов минтақасида октябрдан май ойининг охиригача, тоғ ва тоғолди ва суғориладиган ҳудудларда эса йил давомида қўллаш юқори самара берадиган тадбирдир [7; 376].

Хулосалар:

1. Ўзбекистонда дегельминтологик тадқиқотлар босқичма-босқич олиб борилган бўлиб, дастлаб тадқиқотлар чорва молларининг дегельминтофаунасини ўрганишга бағишланган. Тадқиқотларнинг кейинги босқичларида асосий дегельминтозлар ва уларнинг эпизоотологияси турли географик-иклим минтақалар, ҳудудлар, вилоятларда чуқур ўрганилиб, бу касалликларга қарши кураш чора-тадбирлар тизими ва мажмуалари ишлаб чиқилган.

2. Гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг тадқиқ қилиниши натижасида, айниқса асосий дегельминтозларга қарши кимёвий профилактика усули – фено-тиазин, мис купороси ва туз аралашмасини кенг қўламда

қўллаш билан бир қаторда, илгари кенг тарқалган дегельминтозларнинг (буностомоз, эзофагостомоз, хабертиоз) деярли учрамадлиги, айримлари (гемонхоз, остертагиоз, трихостронгилёз, коопериоз, диктиокаулёз) эса жуда кам учраши кузатилмоқда. Ҳатто аноплоцефалитозлар-мониезиоз, тизаниезиоз, авителлиноз ҳамда айрим ошқозон-ичак нематодозлари-маршаллагияоз, нематодироз билан экстенсарланганлик анча юқори даражада бўлса ҳам, бу дегельминтлар билан зарарланишнинг интенсивлиги 4-5 баровар камайган.

3. Гельминтозларга қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирларининг ҳажми (неча қарра амалга оширилиши) ва оптимал муддатларини ишлаб чиқишда ҳозирги замон антгельминт воситаларнинг кенг таъсир доирага эга эканлиги, биоэкологик ва чорвачилик юритиш технологиясида юз берган ўзгаришлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

4. Чорва молларининг асосий дегельминтозларига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларини қуйидаги оптимал муддатларда олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматозларга қарши режали (даволаш) дегельминтизацияни суғориладиган ҳамда тоғ ва тоғолди минтақаларда 3 март апрель-май, август-сентябрь ва ноябрь-декабрь ойларида, чўл-ййлов минтақада зарурият бўлганда йил давомида 2 март апрель-май ва ноябрь-декабрда, профилактик чора-тадбирлар сифатида мазкур трематодозлар кўзгатувчиларининг оралик хўжайинлари чучук сув моллюскаларни йўқотиш учун апрель-май ойларидан сентябрь-октябргача махсус кимёвий, мелиоратив, физикавий чораларни амалга ошириш;

- дикроцелиозга қарши режали дегельминтизацияни суғориладиган минтақада январь ва июль-август, тоғ ва тоғолди минтақасида эса декабрь ва июль ойларида, дикроцелияларнинг оралик (қуруқликда яшовчи моллюскалар) ва қўшимча (чумолилар) хўжайинларига қарши чора-тадбирларни март-октябрь ойларида ўтказиш;

- мониезиоз (бошқа аноплоцефалитозлар)га қарши режали дегельминтизацияни қўй-эчкиларда суғориладиган минтақада апрель ва сентябрь ойларида, тоғ ва тоғолди минтақада апрель-май ва июль-август ойларида, чўл-ййлов минтақада эса март-апрель ойларида (тўлдан кейин) ва август-сентябрда ўтказиш лозим.

Қорамолларнинг мониезиозига қарши режали дегельминтизациясини фақат яйловда боқиладиган молларда олиб бориш ва бу тадбирни суғориладиган минтақада апрелда ва октябрь-ноябрда, тоғ-тоғолди минтақада май ва сентябрь-октябрда, чўл-ййлов минтақада эса апрелда ва октябрь-ноябрда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир;

- ошқозон-ичак нематодозларига қарши қўйларни суғориладиган минтақада апрель, июнь-июль ва октябрь-ноябрда, тоғ ва тоғолди минтақада май, июль ва сентябрь ойларида, чўл-ййлов минтақасида биринчи дегельминтизацияни март-апрель (тўлдан кейин), иккинчисини ноябрда ўтказиш лозим. Қўзиларни бу минтақада ати-

ги бир марта – сентябрь-октябрда дегельминтизация қилиш кифоя. Ошқозон-ичак нематодозларига қарши қорамоллар (яйловда боқиладиган моллар) юқорида кўрсатилган минтақаларда мутаносиб тарзда биринчи марта март-апрелда, майда ва иккинчи дегельминтизацияни эса суғориладиган ва тоғ-тоғолди минтақаларда июлда, чўл-яйлов минтақада ноябрь-декабрда, учинчи дегельминтизацияни суғориладиган минтақада ноябр ойида, тоғ ва тоғолди минтақада сентябрь-октябрда амалга оширилади.

Диктикаулёзга қарши қўй-эчкиларни суғориладиган минтақада апрель, июль ва ноябрда, тоғ-тоғолди минтақада май, июль, сентябрь-октябрда, чўл-яйлов минтақада апрель (тўлдан кейин) ва сентябрь-октябрда режали дегельминтизация қилиш, профилактик восита сифатида қўй-эчкиларга АТАлар, қорамолларга эса АТЯларни бериб бориш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов Ш.А. Фасциолёзы и анопистоцефалёзы овец и крупного рогатого скота в Узбекистане. Ташкент, 1974. 214 с.
2. Баданин Н.В. Вопросы эпизоотологии гельминтозов каракульских овец. //Тр. УзбСХИ, т.7, 1949. -С. 3-21.
3. Джураев Х.Д. Гельминты и гельминтозы каракульских овец и опыт борьбы с ними в условиях пустынно-пастбищной зоны Кашкадарьинской области. //Автореф.

канд.дисс. Самарканд, 1972. 17с.

- 3а. Иргашев И.Х. Гельминты и гельминтозы каракульских овец. 1973. 283 с.
4. Никольский Я.Д. К вопросу эпизоотологии главнейших гельминтозов в Кашкадарьинской области Узбекской ССР. //Болезни с-х жив-х. научн. Тр.НИВИ, АСХН, вып.13. Ташкент, 1959. -С. 95-102.
5. Нематов Т.К. Гельминты и гельминтозы каракульских овец в зоне Кизилкумского массива Узбекистана. // Автореф. канд.дисс. Самарканд, 1977. 17 с.
6. Мардиев М.М. Сезонная динамика анопистоцефалёзов мелкого рогатого скота в Сурхандарьинской области. Сб.научн. тр. УзНИВИ, т.15. -С. 159-165.
7. Орипов А.О. Трихостронгилидозы овец в Узбекистане и меры борьбы с ними. //Автореф. докт.дисс., Москва, ВИГИС, 1983. 37 с.
8. Пулатов Г.С. Изучение биологии мониезий, эпизоотологии и терапии мониезиозов крупного рогатого скота в условиях Узбекистана. //Автореф. канд.дисс. Москва, 1969. 26 с.
9. Толстов Г.Ф. Эпизоотология, биология *Chabertia ovina* и меры борьбы с хабертиозом в условиях Узбекистана. //Автореф. канд.дисс. Самарканд, 1965. 23 с.
10. Халикова З. Диктикалёз овец в Узбекистане. //Автореф. Канд. Дисс. Самарканд, 1969. 29 с.
11. Шакиев Е.Ш. Эпизоотология аветелиноза овец в условиях Каракульских АССР //Тр. УзНИВИ, т.16, 1964. -С. 188-193.

Кашқадарё вилояти.

“Лойқасой” ветучастка мудир Алишер Норбобоевни кеч тушган маҳал ҳовлисида учратдик. У ҳозиргина молни даволаб қайтган экан. Иш кийимини ечманг, “термосумка” елкангизда турсин, расмга олайлик, дедик. Шундай бўлди, “Лойқасой”да хурмат қозонган мутахассисни суратга олгач, унинг фикрларига кулок тутдик.

– Қишлоқдаги ҳар бир хонадонда қўй ва эчкилар қатори сигир ҳам бор. Уч-тўрт бош сигир боқиш орқали сут ишлаб чиқараётган, унинг ёғини, қаймоғини бозорда сотаётган одамлар ҳам оз эмас. Эътибор берсангиз, соғиладиган сигир бор уйда барака бор, фарзандлар кўпам касал бўлишмайди. Чунки серёғ сут кишига қувват беради-да. Ем-хашак, озуқа кичик бир томорқанинг ўзидан чиқяпти. Фақат эринчокликка берилмасдан меҳнат қилиш керак, – дейди Қамаш туманидаги “Лойқасой” ветучастка мудир Алишер Норбобоев. – Биз эса мутахассис сифатида жониворларни касалликка чалинтирмасликка интиляпмиз. Эмлаш гуруҳлари хонадонма-хонадон ишлаб одамларга керакли маслаҳатни ҳам беришяпти. Шу тариқа чорва бош сони кўпаймоқда, сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш орқали насли бузоқлар туғиляпти. Шу боис ветврачлик касбини танлаганим, шу соҳага ўқиганим учун Аллоҳга шукр қиламан.

Алишер Норбобоевнинг сўзларига қараганда кейинги йилларда аҳолининг чорва наслини яхшилаш, сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантиришга эътибори ортиб борапти. Мол бозорда зотдор сигирнинг нархи 10 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача нархлаяпти. Чунки жайдари сигир кунига 4-5 литр сут беради, зотдор молдан 30 литргача сут олса, маҳсулотнинг бир қисмини қўшнилариға ё бозорда сотиб озуқа учун сарфласа бўлади. Хуллас зотдор сигир сути билан бир рўзғорни бемалол кам-кўстини ёпади. Насли сигирдан туғилган бузоқнинг нархи ҳам баланд, унинг харидори кўп.

– Шу боис маҳаллабай ишлаганимизда шогирдим билан термосумка қатори музлатилган зотдор буқа уруғлари сақланувчи сосуд-дюар идишни ҳам кўтариб оламиз. Шу тариқа сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш ҳам сифатли бажариляпти. Насиб этса, болаларимни ҳам шу касбга, ветврачликка ўқитмоқчиман, – дейди Алишер Норбобоев.



Дилафруз Холиқул қизи.

ОТЛАР ОРАСИДА ЎСМАЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ДИАГНОСТИКАСИ

(Адабиёт маълумотлари асосида)

Аннотация

На сегодняшний день изучение болезней лошадей представляет интерес для ветеринарных специалистов. Особенно нового подхода в науке требует изучение онкологических заболеваний лошадей. В связи с этим в данной статье представлены мнения ветеринарных онкологов мира, литературные данные о наиболее распространенных опухолях у лошадей, их видах, клинических признаках и методах диагностики.

Калим сўзлар: ветеринария онкологияси, ўсма тўқимаси, хавфли ва хавфсиз ўсмалар, неоплазма, от, карцинома, липома, иши, саркома, меланома, лимфома, эртачи диагностика.

Қириш. Бугунги кунда онкологик касалликлар нафақат инсонлар, балки ҳайвонлар организмида ҳам хавфли ва хавфсиз ўсмаларнинг учраш даражаси йил сайин ортиб бормоқда [1,7, 14]. Итлар, мушуклар, кемирувчи ҳайвонлар онкологик касалликларининг тарқалиши бўйича бошқа тур ҳайвонларга нисбатан устунликка эга. Ветеринария онкологиясининг ривожланиб бориши натижасида ҳайвонлар организмида нафақат ташқи ўсмаларни балки ички органлар, суяк ва қон томирлар, ҳатто бош мия ўсмаларини ҳам ўз вақтида диагностика қилиш, даволаш ва асоратларини бартараф қилиш имкониятлари ортиб бормоқда. Отларда ҳам онкологик касалликларнинг қайд этилаётгани уларни диагностика қилиш ва даволаш муолажалари бўйича дунё ветеринария врачлари ҳамда олимлари томонидан клиник ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилишига сабаб бўлмоқда [2, 6, 15]. Олимларнинг таъкидлашича, отлар орасида тери ўсмалари кенг тарқалган бўлиб, улар кўпинча ўхшаш кўринишда масалан, меланома, лимфома ёки паранеопластик тери белгилари, яъни қичишиш ва бошқа кўринишларга эга бўлади [4, 12, 17]. Сўнгги 40 йил давомида отларнинг тери ўсмаларини даволаш бўйича кўп ютуқларга эришилган бўлсада, аммо ички органлар ўсмаларини даволаш бўйича клиник ва илмий ишлар олиб бориш бошқа ҳайвон турларига нисбатан ортда қолмоқда [9, 18]. Шунинг учун ҳам отларнинг онкологик касалликларини ўз вақтида диагностика қилиш ва даволаш бугунги кунда ветеринария мутахассислари учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Олинган натижалар таҳлили. Отлар орасида тарқалган тери ўсмалари қуйидаги кўринишларда ҳосил бўлади [1, 10]:

Отлар саркоид ўсмалари – кўп тарқалган онкологик касаллик бўлиб, фибропластик ўсмалар, Шприндел хужайрали саркома, фибросаркома ва миксофибросаркома шаклларида намоён бўладиган ўсма тури.

Отлар меланомаси – кўп ҳолларда хавфли ўсмалар гуруҳига кириб, тананинг ташқи томонида, бош, бўйин, чот ва анус атрофи соҳаларида ўсади.

Ясси хужайрали карцинома – энг тажовузкор шакл-

Abstract

Today, the study of horse diseases is of interest to veterinary specialists. Especially a new approach in science requires the study of oncological diseases of horses. In this regard, this article presents the opinions of veterinary oncologists of the world, literature data on the most common tumors in horses, their types, clinical signs and diagnostic methods.

га эга эпителий тўқима ўсмаси бўлиб, отларнинг оғиз бўшлиғида, бурун бўшлиғи ва синусларда, сийдик пуфағида, препуция ва вульвада ўсиши мумкин.

Лимфома – тери ўсмаларининг яна бир кўриниши бўлиб, гранулеза хужайралари ўсмалар тоифасига кириб, ичакларда, ичак чарвиларида, қорин бўшлиғида ҳамда бутун тана бўйлаб ўсадиган шакллари фаркланади.

Гранулома – отларнинг репродуктив ўсмалар гуруҳига кириб, улар клиник ва эндокринологик жиҳатдан организмда кучли ўзгаришлар чақиради.

Липома – отларда нисбатан кам тарқалган, аммо ёши катта ва пони зотли отларда мезентерик липомалар айрим ҳолларда учраши адабиётларда келтирилган. Одатда липомалар хавфсиз ўсмалар, аммо ичак чарвилардаги липомалар ўсиши кўпинча отларда санчиклар пайдо бўлишига олиб келади.

Муаллифларнинг фикрига кўра, ўсмаларнинг турларига қараб отлар орасида тарқалиш кўрсаткичи бўйича саркоид ўсмалар отларда барча ўсмаларнинг 40 % ни, зебраларда 24 % ни ташкил этади. Бу ўсма билан барча ёшдаги отлар, асосан 3-6 ёшлилари кўп касалланади. Олимларнинг фикрича, отлар саркоид ўсмалари шаклланишининг сигирлардаги папилломавирус ДНКси (VPV-1 ва BPV-2) билан боғлайдиган назария онкологлар томонидан тан олинган. Ушбу вирус саркоид ўсмаларнинг ўзида ҳам, атрофларида ҳам, соғлом ва касал отларнинг қонида ҳам учрайди [3,5,8]. Саркоид ўсмаларнинг ривожланишида вирус билан касалланишдан ташқари, ирсий мойиллик каби бошқа омиллар ҳам роль ўйнайди. Бунда асосан гисто мувофиклик комплексининг хужайра мембраналарининг махсус тузилиши – от лейкоцитлари антигени мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, улар учун битта ELA W 13 генининг аллерженлари жавобгардир. Бундан ташқари, теридаги микротравмалар ҳам саркоид ўсмалар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Мутахассислар кузатишича, ҳар доим яйловларда юрадиган йилқиларда папилломавирус ташувчиси бўлган ҳашоротлар билан боғлиқ иссиқ мавсумларда касалланиш юқори бўлади [11].

Клиник ва гистологик хусусиятларига кўра, от саркоид ўсмаларининг 6 тури фаркланади [10, 11]:



1-расм. Отларнинг саркоид ўсмалари.

1. Яширин (ясси) *саркоид* ўсмалар – терининг қобиғи ва жун пиёзчалари шикастланиб, ўртacha алопеция билан намоён бўлади.

2. Веррукоз (сўгал) саркоид ўсмалар – кўпроқ қобиқли, қуруқ бўлиб, тўлиқ алопеция, терининг қалинлашиши ва гиперкератози натижасида 6 см дан ошмайдиган қалинликдаги сўгал ва ёриқлар шаклида тарқалади.

3. Фибробластик саркоид ўсмалар – тери ости қаватида турли диаметрли ярали зич тугунлар ҳосил бўлади, улар тезда қатта ўсмаларга айланади, кўпинча ўсма паренхимасида яллиғланишлар пайдо бўлади.

4. Тугунли саркоид ўсмалар – ҳар хил ўлчамдаги тугунлар кўринишидаги бутунлай тери остида жойлашган ўсмалар шаклида учраб, бунда терининг сиртини ўзгартирмаслиги мумкин.

5. Хавфли саркоид ўсмалар – тери фасцияси ва лимфа томирлари бўйлаб тугунлар ва иккиламчи яралар билан кесишган ўсма тўқималарининг тугунлари шаклида тарқалади.

6. Аралаш саркоид ўсмалар – икки ёки ундан ортик саркоид ўсма турларнинг бирикмаси шаклида ўсади.

Саркоид ўсмалар ўзининг шакли, жойлашиши ва ўлчам, терида юзага келтирадиган эстетик ўзгаришлар ва тугунларнинг хавфли ва хавфсизлигига қараб, кўпинча отнинг махсулдорлик ва иш қобилияти пасайишига олиб келади.

Меланома – бу меланин пигменти ишлаб чиқарадиган хужайралар ўсмаси. Маҳаллий адабиётларда меланома пигмент тўқималарининг хавфли ўсмалари деб аталса, хорижий адабиётларда “меланома” атамаси кенгрок қўлланилади, шу жумладан бу ўсманинг икки тури – хавфли ва хавфсиз ўсмалари тарқалганлиги қайд этилган. Пигментли ўсмаларнинг асосий компоненти нейроэктодермал келиб чиқадиган меланобластлардир [21].

Хавфли меланома кўпинча олти ва ундан қатта ёшдаги қулранг отларда учрайди. Одатда секин, бир неча ой ва ҳатто йиллар давомида ўсади; метастаз бермайди. Меланомалар учун энг кенг тарқалган жойлар перианал ва паротид безлар, кўз қовоқлари ва дум атрофи ҳисобланади. Меланоманинг хавфсиз шакли, айниқса меланосаркома операциядан кейин тез ривожланиш ва метастаз бериши билан тавсифланади.

Меланин - бу меланоцитлар эпидермисининг базал қатламида ишлаб чиқариладиган пигмент бўлиб, пигментнинг кўплиги янги меланобластларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради ва уларнинг фаоллигини оширади, натижада меланоцитларнинг гиперпродукция ёки ўсимта ўзгариши зоналари ҳосил бўлади. Охирги маълумотларга кўра, меланоцитлар отлардаги барча тери ўсмаларининг 18,7% гачасини ташкил этади. Статистик маълумотларга кўра, отларда меланоманинг хавфли шакллари 66% учраса, онколог МакГилливрай ўтказган клинко-патологик тадқиқотлар натижалари таъкидлашча,

тери меланомаларининг 14 % ида улар хавфли меланомага айланиши мумкин, аммо бу кўрсаткич жуда ўзгарувчан эканлигини таъкидлайди, чунки хавфсиз меланомалар камдан-кам ҳолларда тасдиқланади. Олимнинг Липизан отлари устида ўтказилган тадқиқотларига кўра, уларнинг 50 % ида хавфсиз меланомалар аниқланган [21, 22].

Отлардаги меланомалар анъанавий равишда ўсиш шаклига кўра 3 гуруҳга бўлинади: хавфсиз, бир неча йил давомида метастазсиз секин ўсиб боради, ёмон оқибатли бирламчи хавфсиз меланома ва бирламчи хавфли меланома. Кейинчалик олимлар томонидан илмий тадқиқотлар натижасида қиёсий тадқиқот клиник жиҳатдан фарқ қилувчи тўртта шакли таклиф қилинди: меланотситик невус, тери меланомаси, тери меланоматози ва анапластик хавфли меланома [22].

Меланоцитик невус рангидан қатъий назар ёш отларда учрайди. Кўпинча улар яқка шаклда, атипик жойларда пайдо бўладиган хавфсиз ўсма саналади ва жарроҳлик даволаш учун мос келади. Тери меланоматози гистологик жиҳатдан тери меланомасидан фарқ қилмайди, лекин ёши 15 ёшдан ошган қулранг отларнинг типик жойларида жойлашган кўп тугунлар шаклида клиник жиҳатдан намоён бўлади. Бундай ўсмалар резекция қилинмайди ва метастаз хавфи юқори. Анапластик хавфли меланома ёш, қулранг отларда учрайди ва энг агрессив шакл бўлиб, ташхисдан кейин бир йил ичида кенг тарқалган метастазларга олиб келади [21, 22].

Лимфома – лимфоид хужайраларнинг ёмон сифатли ўсмалари трансформацияси учун умумий атамадир, лекин кўпинча отларда лимфосаркома атамаси ўрнига қўлланилади, бу айниқса лимфоид хужайраларнинг қаттиқ (ёки саркоматоз) ўсмаларга ва организмда хавфли ўзгаришига олиб келади. Лимфома отларда энг кўп учрайдиган ички ўсма турларидан биридир, аммо от популяцияларида лимфома тарқалиши нисбатан паст бўлиб, АҚШда от қушхоналарида ўтказилган тадқиқотда 0,002% дан 0,05% гача ва клиникаларнинг аутопсия тадқиқотларида 0,2% дан 3% гача бўлиши қайд этилган. От лимфомаси учун аниқ хавф омиллари мавжуд эмас ва этиологияси номаълум касаллик саналади. Ҳеч қандай зот ёки жинсга мойиллиги йўқ, аммо кўпинча отлар 4 ёшдан 10 ёшгача касалланиши адабиётларда келтирилган [23].

Лимфома даврида отлар организмда кенг доирадаги клиник белгилар пайдо бўлади. Касалликнинг белгилари ва ривожланиши лимфома ўсадиган жойлар билан боғлиқ. Энг кўп учрайдиган клиник белгилар – иштаҳанинг па-



2-расм. Отлар меланомаси.

сайиши, депрессия, вазн йўқотиш, иситма, лимфаденопатия ва қориннинг пастга осилиши, юқори ва пастки нафас йўллари касалликлари белгилари, офтальмологик белгилар, санчик ва диарейдан иборат.

Олар лимфомаси локализациясига кўра периферик ва ички лимфа тугунлари, талоқ, жигар, буйраклар, ичаклар, юрак, ўпка, бурун-томоқ йўли, кўз ва қўшимча бўшлиқлар, скелет мускуллари, тери, репродуктив органлар, шунингдек марказий ва периферик асаб тизимларида пайдо бўлади. Лимфоманинг 4 та анатомик шакли батафсил тавсифланган: кўп ўчоқли – 50% гача, алиментар – 19% гача, медиастинал – 6% гача ва экстранодал (экстранодуляр) – 25% гача. Аммо одатда кўпинча лимфомаларнинг ушбу тўртта классик шакли комбинацияси ҳолатида учраши бўйича адабиёт маълумотлари мавжуд [23].

Липома – бу ёғ тўқимасидан ривожланган яхши сифатли хавфсиз бириктирувчи тўқима ўсмаси. Ўсма капсула билан ўралган бўлиб, унинг катталашиши билан ўсма ўз оғирлиги остига тортилади, натижада “оёқ” деб аталган шакл пайдо бўлади. Бундай липома кекса отларда мезентерия варақлари орасида кўп учрайди ва ичак чарвиларида липома чигаллашган шаклда ўсиши сабабли ичак тутилишининг странгуляцияси, яъни санчикнинг симптомлар мажмуаси бирдан пайдо бўлиши мутахассислар томонидан ўрганилган. Странгуляция ичакнинг тикилиб қолиши ва қон таъминотининг бузилишига олиб келади, бу эса шиллик қаватнинг прогрессив некрозини чакиради. Бундай вазиятда даволаниш фақат жарроҳлик йўли билан амалга оширилади ва операция қанчалик тез амалга оширилса, ижобий натижа эҳтимоли шунчалик юқори бўлади [24, 25].

Отларда учрайдиган ўсма касалликлари диагностикаси умумқабул қилинган онкологик текшириш усуллари бўйича олиб борилади. Бунда ташқи юзадаги ўсмалар клиник усулларда кўриш, пальпация, перкуссия усулларида аниқланса, ички органлардаги ўсмалар, шунингдек метастазларни аниқлашда турли воситалардан фойдаланилади. Булардан асосан рентгенография, УТТ, КТ ва МРТ диагностикаси қўлланилса, махсус диагностика усуллар стинтиграфия (радиоизотопли сканерлаш), биопсия, усуллари бажарилади [4,16,25].

Лаборатор текширув усулларида қоннинг морфологик, биокимёвий, иммунологик кўрсаткичлари аниқланса, цитологик, патоморфологик усуллар, иммунобиологик усуллар ёрдамида ўсманинг тури, организмга таъсири, ўсиш даражаси, тўқима тури, хавфсиз ёки хавфлиги, метастазларнинг бор йўқлиги аниқланади [8,18].

Хулоса. Отлар орасида бугунги кунга қадар мутахассислар томонидан қайд этилган онкологик касалликлардан кенг тарқалган ўсмалар терининг саркоид ўсмалари, меланомалар, лимфома, липома, грануломалар бўлиб, бунда отнинг ёши, туси ва геоэкологик омиллар таъсирида касалликнинг тарқалиш даражаси турлича бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bergvall K.E. Sarcoids. *Vet Clin North Am Equine Pract.* 2013 Dec; 29 (3): 657–71.
2. Compston P.C., Turner T. Laser surgery as a treatment for histologically confirmed sarcoids in the horse. *Equine Vet J.* 2016; 48 (4): 451.
3. Gaynor A.M., Zhu K.W. Localization of Bovine

Papillomavirus Nucleic Acid in Equine Sarcoids. *Vet Pathol.* 2016; 53 (3): 567–73.

4. Golding J.P., Kemp-Symonds J.G. Glycolysis inhibition improves photodynamic therapy response rates for equine sarcoids. *Vet Comp Oncol.* 2017; Jan 27 (1).

5. Hainisch E.K., Abel-Reichwald H. Potential of a BPV1 L1 VLP vaccine to prevent BPV1- or BPV2-induced pseudo-sarcoid formation and safety and immunogenicity of EcPV2 L1 VLPs in the horse. *J Gen Virol.* 2016; Dec 7. (12).

6. Haspelslagh M., Taevernier L. Topical distribution of acyclovir in normal equine skin and equine sarcoids: An in vitro study. *Res Vet Sci.* 2016; 106: 107–11.

7. Knowles E.J. A database survey of equine tumours in the United Kingdom. *Equine Vet J.* 2016; 48 (3): 280–4.

8. Nasir L., Brandt S. Papillomavirus associated diseases of the horse. *Vet Microbiol.* 2013; 29; 167 (1–2): 159–67.

9. Rothacker C.C., Boyle A.G., Levine D.G. Autologous vaccination for the treatment of equine sarcoids: 18 cases (2009–2014). *Can Vet J.* 2015; 56 (7): 709–14.

10. Stadler S., Kainzbauer C. Successful treatment of equine sarcoids by topical aciclovir application. *Vet Rec.* 2011; 168 (7): 187.

11. Scagliarini A., Bettini G. Treatment of equine sarcoids. *Vet Rec.* 2012; 171 (13): 330.

12. Tozon N. Electrochemotherapy as a single or adjuvant treatment to surgery of cutaneous sarcoid tumours in horses: a 31-case retrospective study. *Vet Rec.* 2016; 179 (24): 627.

13. Yuan Z., Gallagher A. Bovine papillomavirus infection in equine sarcoids and in bovine bladder cancers. *Veterinary Journal.* 2007; 174 (3): 599–604.

14. Kauke M, Safi A.F., Grandoch A., Nickenig H.J.N., Zoller J., Kreppel M. Sinonasal tract sarcomas. *Head neck.* 2018; 40:1279–1286. [PubMed] [Google Scholar]

15. Vera S., Deikman R., Klein W.R., van den Belt A.J.M. Computed tomography in the diagnosis of malignant tumors of the paranasal sinuses in three horses. *Veterinary education of horses.* 2010; 21:284–288.

16. Hanna A, Stieger-Vanegas SM, Heidel JR, Esser M, Schlipf J, Meham J. Nasal adenocarcinoma in a horse with lung, liver, and bone metastases and a review of metastases in nine horses with sinonasal tumors. *Case Reports Vet Med.* 2015; 2015 article ID 845870.

17. Cissell DD, Wisner ER, Textor JF, Mohr C, Scrivani PV, Theon AP. Computed tomography of sinonasal neoplasia in horses. *Veterinarian Radiol Ultrasound.* 2011; 53:245–221. [PubMed]

18. Gor M.R. Treatment, outcomes, and demographics in sinonasal sarcoma: a systematic review of the literature. *BMC Disease of the ear, nose and throat.* 2018; 18:4. doi: 10.1186/s12901-018-0052-5. [PMC Free Article] [PubMed] [CrossRef]

19. Bowles K., DeSandre-Robinson D., Kubicek L., Lurie D., Milner R., Boston Yu.V. Outcome of final fractional irradiation followed by exenteration of the nasal cavity in dogs with sinonasal neoplasia: 16 cases. *Vet Comp Oncol.* 2014; 14:350–360. [PubMed]

20. Dixon P.M., Parkin T.D., Collins N. et al. Historical and clinical features of 200 cases of sinusitis in horses. *Veterinarian Rec.* 2011; 169:439. [PubMed]

21. Cavalleri J. M. V. et al. Aetiology, clinical presentation and current treatment options of equine malignant melanoma—a review of the literature // *Pferdeheilkunde.* – 2014. – Т. 30. – №. 4. – С. 455–60.

22. Moore J. S. et al. Melanoma in horses: current perspectives // *Equine Veterinary Education.* – 2013. – Т. 25. – №. 3. – С. 144–151.

23. Bacci B., Stent A. W., Walmsley E. A. Equine intestinal lymphoma: clinical-pathological features, immunophenotype, and survival // *Veterinary pathology.* – 2020. – Т. 57. – №. 3. – С. 369–376.

24. Orsini, J. A., Divers, T. (2007) *Equine Emergencies: Treatment and Procedures* Elsevier Health Sciences

25. Mair, T. S., and Edwards, G. B. (2003) *Strangulating Obstructions of the Small Intestine* Equine Veterinary Education 15(4): 192–199

UDK 619.616.993.192.036

Q.X.G‘oyibnazarov, N.U.Karimova, doktorantlar,
A.G‘.G‘afurov, professor, ilmiy rahbar,
Veterinariya ilmiy-tadqiqot instituti

TEYLERIOZGA QARSHI VAKSINA ISHLAB CHIQRARISH UCHUN PAST VIRULENTLI SHTAMM AJRATISH

Аннотация

Установлено, что тейлерииоз крупного рогатого скота широко распространены в Самаркандской, Навоийской и Джиззакской областях. При этом выделен слабо вирулентный штамм *Theileria annulata* из Самаркандской области, пригодной для производства противо тейлерииозной вакцины.

Summary

It has been established that theileriosis of cattle widespread in Samarkand, Navoi and Jizzakh regions. Which differ with it senvir on mental conditions. At the same time a weakly virulent strain of *Theileria annulata* from the Samarkand region was isolated, suitable for the production of an anti-teileriosis vaccine.

Kalit so‘zlar: Y.SH.Q, teylerioz, shtamm, kana, parazitlar reaksiya, kriobank, kriokonservatsiya, past virulentlik, vaktsina.

Kirish. Respublikamiz aholisini yetarli darajada sifatli chorva mahsulotlari hamda sanoatni xomashyo bilan ta'minlash chorvadorlarning asosiy vazifasidir. Xozirgi vaqtda O'zbekistonda 14 mln bosh qoramollar mavjud. Ushbu mollarni yuqumli va invazion kasalliklardan saqlab qolish veterinariya fani va amaliyotini dolzarb vazifasidir. Veterinariya fani va amaliyotida faol mehnat qilib kelayotgan mutaxassislarining faol mehnatlariga qaramasdan hali ham ba'zi bir yuqumli va invazion kasalliklar hukm surmoqda.

Invazion kasalliklar ichida qoramollarning teylerioz kasalligi chorvachilikni rivojlantirishda katta to'sqinlik qiladi. Teylerioz qo'zg'atuvchisi-teyleriyalarni kultivatsiya qilishda har xil fermentlardan foydalanib xujayralarni dezagregatsiya qilish natijasida ijobiy yutuqlarga erishildi. Bu esa teylerioz qo'zg'atuvchisi *Theileria annulata* bilan invazyialangan dastlabki-tripsinlangan qatlam kulturasini olishga olib keladi. Rossiya Davlatida (VIEV) ishlab chiqarilgan teyleriozga qarshi suyuq kultural vaktsina o'zining reaktogenlik va immunogenlik xususiyatini namoyon qildi. Vaktsinaning immunogenlik xususiyati 12 oygacha bo'lgan muddatni tashkil qildi, shu bilan bir vaqtda ushbu vaktsina bilan emlangan mollarda 0,5 dan 10% gacha emlashdan keyingi asoratlar kuzatildi, shunga qaramasdan Sobiq Sovet Ittifoqining tugatilishi natijasida ushbu vaktsinaga ham ko'pgina sabablarga bog'liq ilojisiz qoldik.

Shuning uchun yurtimizda, past virulentlik shtamm -*Theileria annulata* asosida mahalliy vaktsina ishlab chiqarish dolzarb masala bo'lib qoldi. Qoramollarning teyleriozi o'ta

og'ir kechadigan, patogenezida intoksikatsiya, anemiya, gepopoezni, modda almashinuvi buzilishi kabi klinik belgilarni o'zida namoyon qilib kasallanadi. Kasallangan mollarni 70-80% nobud bo'ladi, qolganlari esa ishlab chiqarishda uzoq vaqt davomida yaroqsiz bo'lib qoladi. Qoramollarning teylerioz qo'zg'atuvchisini Respublikamiz hududlarida keng tarqalgan *Hyalomma anatolicum* va *H. detritum* kanallari tarqatishi aniqlangan.

Shundan kelib chiqqan holda har xil klimatik zonalardan teylerioz qo'zg'atuvchisi - *Theileria annulata* ni past virulentlik shtammni ajratish teyleriozga qarshi reaktogenligi bo'lmagan vaktsina ishlab chiqarishda muhim ahamiyatga ega.

Maqsad

Shundan kelib chiqqan holda, mahalliy va past virulentlik shtammdan tayyorlangan vaktsina ishlab chiqarish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun tadqiqotimizning maqsadi teyleriozga qarshi vaktsina ishlab chiqarish uchun har xil klimatik hududlardan past virulentlik *Theileria annulata* shtammni ajratish va ularni ro'yxatdan o'tkazish, pasportlash hamda kriobank tashkil qilishdan iborat.

Vazifa

1. Bir-biridan geografik iqlim sharoiti bilan farq qiladigan har xil hudud va chorvachilik yuritishi turli xil bo'lgan, Samarqand viloyati Bulungur tuman "Mugol" qishloq aholisi, Navoiy viloyati Istiqbol va Jizzax viloyati Sh.Rashidov tuman "Oltinsoy" f.x.larida teyleriozni epizootologik holatini o'rganish.

1-jadval.

Har xil geografik iqlimlik hududlardan ajratilgan *Theileria annulata* shtamlarning patogenlik xususiyatlari

Guruh	Bosh soni	Yuqtirish sharti	Yuqtirishdan so'ng 16-kun		Yuqtirishdan so'ng 18-kun		Yuqtirishdan so'ng 20 kun	
			T ^o h	Parazitlar reaksiyasi %	T ^o h	Parazitlar reaksiyasi %	T ^o h	Parazitlar reaksiyasi %
1	3	Samarqand viloyati yumshoq va namlik hududdan ajratilgan shtamm bilan	39,6	-	39,7	-	40,4	2+-0,02
2	3	Navoiy viloyati quruq va issiq hududdan ajratilgan shtamm bilan	40,5	2+-0,02	41,1	4+-0,04	41,6	12+-0,03
3	3	Jizzax viloyati quruq va issiq hududdan ajratilgan shtamm bilan	40,6	3+-0,02	40,9	5+-0,02	41,3	9+-0,02

Har xil geografik iqlimlik hududlardan ajratilgan Theileria annulataning morfologik ko'rsatkichlari

Hudud	Molning raqami	Teylerioz qo'zg'atuvchilarining morfologik ko'rsatkichlari				Xoj (krest) ko'rinishda
		Yumaloq	Oval (tuxumsimon)	Vergulsimon	Ochkisimon	
Samarqand. Yumshoq va namlik hudud	1	29	41	21	9	-
	2	28	42	19	11	-
	3	26	39	21	14	-
	o'rtacha	27,6	40,3	20,3	11,3	-
Navoiy. Quruq va issiq hudud	1	22	38	24	12	2
	2	18	34	29	16	3
	3	25	32	28	14	1
	o'rtacha	21,6	34,6	27	14	2
Jizzax. Quruq va issiq hudud	1	24	30	29	15	2
	2	29	36	21	14	
	3	25	37	30	9	
	o'rtacha	26	35,3	26,6	12,6	

2. Tajriba olib boriladigan hududlarda epizootologik holati va hayvonlarning parazit tashuvchilik holatini aniqlash

3. Teyleriozga qarshi vaksina ishlab chiqarish uchun har xil hududlardan past virulentlik *Theileria annulata* shtammini ajratish, patogenetik, gematologik va morfologik xususiyatlarini eksperimental tajribalarda o'rganish va ularni ro'yxatdan o'tkazish, pasportlash hamda kriobank tashkil qilish.

Tadqiqot natijalari

Qoramollar teyleriozini epizootoloik holatini o'rganish bo'yicha tajribalar Samarqand, Navoiy, Jizzax viloyat hududlarida anamnestic dalillarni yig'ish, veterinariya hisobotini tahlil qilish, kasallikka gumon qilingan mollarni klinik va parazitologik tekshirishlar asosida olib borildi.

Hayvonlarda parazit tashuvchilik holatini aniqlash uchun tadqiqotlar olib borilayotgan har bir xo'jalikning 50 bosh mollarini periferik qon tomirlaridan surtmalar olib, Romanovski Gimza bo'yog'ida bo'yaldi va mikroskop tagida parazitologik tekshirildi. Spontan kasal mollarda klinik va parazitologik tekshiruvlar olib borildi hamda kasallik tarqatuvchi kanalar terildi va ularning invazyalangan holatini aniqlash ishlari olib borildi.

Samarqand, Navoiy, Jizzax viloyatlarining har xil iqlim sharoitlik hududlarida teyleriozning epizootologik holatini aniqlash bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar natijasida Samarqand viloyati hududlarida 7 %, Navoiy viloyat hududlarida 6 %, Jizzax viloyati hududlarida 12 % gacha mollar yiliga kasallanishi aniqlandi.

Kasallik tarqatuvchi kanalar turlarini aniqlash uchun tadqiqotlar olib borilgan hududlarda spontan kasal moldan shtammlar ajratildi va uning biologik, patogenlik, virulentlik va kasallik qo'zg'atuvchi parazitlarni morfologik xususiyatlari o'rganildi hamda kriokonservatsiya qilib kriobank tashkil qilindi.

Teyleriozni tarqatuvchi kanalar turlarini aniqlash bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar Samarqand viloyatida *Hyalomma anatolicum* 98 %, *H.detritum* 2 %, Navoiy viloyatida *Hyalomma anatolicum* 95 % *H.detritum* 5 %, Jizzax viloyatida mutanosib ravishda *Hyalomma anatolicum* 94 % *H.detritum* 6 % tashkil qilishi aniqlandi.

Samarqand viloyatining iqlim sharoiti yoz paytida nisbatan salqin namgarchiligi unchalik yuqori bo'lmagan quruq,

yilning o'rtacha harorati 16^oc, uch tomondan Turkiston, Zarafshon va Nurota tog'lari bilan o'ralgan tog' tizmalari va Zarafshon daryosi Navoiy va Jizzax viloyatlari iqlimiga nisbatan shaboda va namlik muhitini yaratib beradi. Mana shunday sharoitlarga ega bo'lgan muhitlarda teylerioz bilan kasal bo'lgan spontan kasal mollardan shtammlar ajratildi. Ajratilgan shtammlarning bir qismida eksperimental tajribalar olib borildi, bir qismi esa kriokonservatsiya qilib kriobank tashkil qilindi.


Teylerioz kasalligini qo'zg'atuvchi parazitlarning patogenlik, virulentlik va morfologik xususiyatlarini o'rganish hamda gematologik ko'rsatkichlarini aniqlash bo'yicha tajribalar har guruhda 3 boshdan 9-10 oylik 3 guruh buzoqlarda olib borildi.

1-guruh mollarini yumshoq va namlik mavjud bo'lgan Samarqand viloyat hududlaridan ajratilgan, 2-3-guruh mollarini nisbatan quruq va issiq iqlim sharoitidan ajratilgan Navoiy va Jizzax viloyat hududlaridan ajratilgan shtamm bilan terisi ostiga 20 mldan yuborib yuqtirildi.

Tajriba mollarida har kuni klinik, parazitologik va har 3-4 kunda bir marta gematologik tekshiruvlar olib borildi.

Olib borilgan tadqiqotlar natijasida Navoiy, Jizzax viloyati hududlaridan ajratilgan shtamm bilan yuqtirilgan mollarda kasallikning yashirin davri 16 kunni, Samarqand viloyati hududlaridan ajratilgan shtamm bilan yuqtirilgan tajriba mollarida esa 20 kunni tashkil qildi (jadva 1-1).

Shunday qilib, Samarqand viloyati hududlaridan ajratilgan shtammlarning patogenlik xususiyati Navoiy va Jizzax



1-rasm. Navoiy viloyati hududlaridan olingan shtamm bilan yuqtirilgan moldan olingan qon surtmasidagi teyleriyalarni morfologik ko'rsatkichlari.



2-rasm. Teylerioz bilan kasallangan molning ko'z shilliq pardalarida anemiya, infiltratsiya va qon quyilish holati.

Har xil geografik iqlimlik hududlardan ajratilgan teylerioz qo'zg'atuvchisi – Theileria annulata hayvonlarni gemopoeziga ta'siri

Guruh	Bosh soni	Hudud	Zararlanishdan oldin			Zararlanishdan keyingi 18 kun			Zararlanishdan keyingi 21 kun		
			Er	Leyk	Hb	Er	Leyk	Hb	Er	Leyk	Hb
1	3	Samarqand viloyati. Yumshoq va namlik hudud	6,7	8,8	9,2	6,6	9,8	9,0	6,2	7,6	6,2
2	3	Navoiy viloyati. Quruq va issiq hudud	6,6	9,2	9,6	6,0	9,6	8,8	5,0	6,8	5,2
3	3	Jizzax viloyati. Quruq va issiq hudud	6,8	8,6	8,8	6,2	9,8	8,2	5,2	6,2	5,0

Eslatma: Eritrotsitlar mln/mkl, Leykotsitlarning /mkl., Gemoglobin g/l

viloyati hududlaridan ajratilgan shtammlarning patogenlik xususiyatlaridan nisbatan past ekanligi aniqlandi.

Kasallik qo'zg'atuvchi parazitlarni morfologik tekshirishlar natijasida Samarqand viloyati hududlaridan ajratilgan *Theileria annulata*ning yumaloq shakli 40,3 %, oval shakli 26,7 %, vergulsimoni 20,3 %, nuqtasimoni 11,3 % ni tashkil qildi, krestitsimoni uchramadi. Navoiy viloyati hududlaridan ajratilgan kasallik qo'zg'atuvchilarini 21,6 % shakli yumaloq, 34,6 % oval vergul ko'rinishdagi 27 %, nuqta ko'rinishdagi 14 %, xoj (Krest) 2 %, Jizzax viloyatida yumaloq shakli 26 %, ovalsimon ko'rinishdagi 35,3 %, vergulsimon ko'rinishdagi 26,6 %, nuqtasimon ko'rinishdagi 14 % va xoj ko'rinishdagi 1 % (2-jadval. 1-rasm).

Shunday qilib, *Theileria annulata*ni morfologik tekshirishlar natijasida Samarqand viloyatining yumshoq va namlik hududidan ajratilgan teylerioz qo'zg'atuvchilarini yumaloq va ovalsimon shakllari Navoiy va Jizzax viloyatining quruq va issiqlik iqlimlik sharoitidan ajratilgan shtammlardan 15-20 % ko'proq uchrashi, vergulsimon va ochkisimon shakllari esa nisbatan kamroq uchrashi kuzatildi va shu bilan bir vaqtda teyleriyalarning xojsimon shakllari ham kuzatilmadi. Bunday ko'rsatkichlar Samarqand viloyati hududlaridan ajratilgan shtammlarning Navoiy va Jizzax viloyatidan ajratilgan shtammlar virulentligidan past ekanligidan dalolat beradi. Bu esa Samarqand viloyati hududlaridan ajratilgan shtammlardan teyleriozga qarshi vaktsina tayyorlashga asos bo'ladi.

Ma'lumki, teylerioz patogenezida intoksikatsiya, gemopoezni buzilishlari, qon aylanish va limfatik tizimlar faoliyatini buzilishlari kabi bexolliklar yuz beradi va undan keladigan oqibat natijasida mol halokatga uchraydi. Aynan gemopoez buzilishi natijasida organizmda intoksikatsiya, anemiya, shilliq pardalarida infiltratsiya, qon quyilishlar yuz beradi (2-rasm).

Shuning uchun teyleriozga qarshi vaktsina ishlab chiqarish uchun har xil geografik iqlimlik hududlardan ajratilgan shtammlarning gemopoeziga ta'sirini o'rganish muhim ahamiyatga ega. Har xil geografik iqlim sharoitidan ajratilgan shtammlarni gemopoeziga ta'sir qilish xususiyatini o'rganish bo'yicha tajribalar uch guruh mollarda o'rganildi. Tajribadagi mollardan har 3-4 kunda qon olinib, gematologik tekshirish-

lar o'tkazildi. Olib borilgan tadqiqotlar natijasi 3-jadvalda keltirilgan bo'lib, undan ma'lum bo'lishicha, Samarqand viloyatidan ajratilgan shtamm bilan yuqtirilgan mollarda eritrotsit, leykotsit va gemoglobinni miqdori Navoiy va Jizzax viloyatidan ajratilgan shtamm bilan yuqtirilgan mollardagiga nisbatan kam o'zgarish berdi (3-jadval).

Shunday qilib, Samarqand viloyatining yumshoq iqlim va namlik hududidan ajratilgan *Theileria annulata* bilan yuqtirilgan mol organizmidagi gemopoez rivojlanishiga Navoiy va Jizzax viloyati hududlaridan ajratilgan shtammlarga nisbatan kam ta'sir qilishi aniqlandi.

Xulosalar.

1. Teyleriozni tarqatuvchi *Hyalomma anatolicum* va *H.detrutum* kanallari tarqalgan Samarqand, Navoiy, Jizzax viloyat hududlarida qoramollarning teylerioz kasalligi keng tarqalganligi aniqlandi.

2. Samarqand viloyatining yumshoq iqlim va namligi mavjud hududlaridan ajratilgan shtammning virulentlik xususiyati Navoiy va Jizzax viloyatining quruq va issiq hududlaridan ajratilgan shtammlarning virulentlik xususiyatidan past ekanligi va organizm gemopoeziga kam ta'sir qilishi aniqlandi.

3. Ajratilgan past virulentlik shtamm vaktsina ishlab chiqarishga yaroqlik deb hisoblandi va u registratsiya qilinib, ro'yxatga olindi hamda kriokonservatsiya qilindi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Заблочкий В.Т. Основные итоги и перспективы научных исследований по разработке средств и методов диагностики, борьбы и профилактики протозойных болезней животных. / Вестник ветеринарии, 1998 -№7-с 9-11.
2. Гафуров А.Г. Распространение пироплазмидозов в Зарафшанской долине. Ж.Ветеринарии № 3 –с17-19.
3. Гафуров А.Г. Развитие протозоологической науки в Узбекистане /Ж.Сельское хозяйство Узбекистана, 1999-№4-с.26-28.
4. Гафуров А.Г., Давлатов Р.Б., Расулов У.И. Ветеринарная протозология Учебник для ВУЗ изд. Зарафшан, 2013 -120с.
5. Кожабаев М.Тейлерioз крс. Автореферат диссертации д.в.н., Алма-ата, 2010-32 с.

SIGIRLARDA TUG'RUQDAN KEYINGI SEPTISEMIYANI DAVOLASH
USULLARINI TAKOMILLASHTIRISH

Annotasiya

Maqolada sigirlarda tug'ruqdan keyingi septisemiya kasalligining rivojlanish xususiyatlari, klinik belgilari, qonning ko'rsatkichlari va davolash usullarini takomillashtirishga oid ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: septisemiya, tug'ruq isitmasi, 40% li glyukoza eritmasi, askorbin kislotasi, 20% li kofein natriy benzoat eritmasi, Penstrep 400, Metragil, Natriy gidrokarbonat, Uteroton, metastaz.

Пищевые частицы или пищевые растворы в околоклеточной среде вызывают впячивания плазматической мембраны, которые затем отшнуровываются и погружаются в цитоплазму, образуя пино- и фагоцитозные вакуоли. Соединяясь с последними, лизосомы образуют так называемые фагосомы, где происходит контакт ферментов с соответствующими субстратами. В этом случае имеет место внутриклеточное внеплазматическое пищеварение, физико-химические закономерности которого не отличаются или мало отличаются от закономерностей полостного пищеварения. Следовательно, внутриклеточное пищеварение второго типа может быть охарактеризовано как микрополостное. Так как внутренняя поверхность мембраны лизосом и вакуолей содержит различные гидролитические ферменты, то микрополостной гидролиз может дополняться мембранным. Образовавшиеся продукты гидролиза всасываются через мембрану фагосом. После завершения пищеварительного цикла остатки фагосом выбрасываются за пределы клетки путем экзоцитоза. Лизосомы играют также важную роль в расщеплении собственных структур клетки, которые используются в качестве пищевого материала либо данной клеткой, либо за её пределами [8].

Мы считаем, что при этом заглатываются и бактерии. Следовательно, пиноцитоз может считаться как неспецифический фагоцитоз. В этом свете становится понятным почему кур невозможно заражать алиментарно даже высоковирулентными штаммами сальмонелл [1].

В силу этого считаем, что в основе феномена большей резистентности кур кроссов белой масти к сальмонеллам лежит пиноцитоз. Для обоснования этого требовалось нахождение различия в интенсивности пищеварения и утилизации пищевых веществ между кроссами кур. С этой целью мы сравнивали показатели отношений мас-

сы мышечного желудка и площади гребня к живой массе кур.

При исследовании мышечного желудка кур, при многократных забоях укрепилось впечатление, что у кур кросса Декалб мышечный желудок крупнее чем у кур кросса Ломанн Браун, хотя живая масса первых меньше. Это также видно из таблицы, где масса мышечного желудка кросса Декалб Тиндес равна 31,4 г. и у кросса Декалб Уайт равна 31,6 г., когда как у кроссов Ломанн масса меньше (таблица).

Исходя из таблицы также можно сказать, что длина тонкого отдела кишечника и всей длины кишечника у кур кросса Декалб Тиндес превосходит все остальные кроссы. Чего нельзя сказать про массу кишечника, по массе кишечника у Ломанн Сенди равна 75,6 г, масса кишечника кросса Декалб Уайт на много отстаёт от остальных кроссов и равна соответственно 64,0г.

Выводы. Из вышеизложенного считаем, что у кроссов кур белой масти пиноцитоз, т.е. неспецифический фагоцитоз более выражен и это объясняет их преимущества в резистентности к сальмонеллам.

Значит, эти параметры могут служить в качестве маркеров в селекции кур на общую антиинфекционную резистентность и продуктивность. Что в дальнейшем даст хорошие результаты при правильном выращивании и содержании кур.

Использованная литература:

1. Бакулин В.А. Сальмонеллез. Книга «Справочник материала врача птицеводческого предприятия» НПП АВИАК. Санкт-Петербург, 2006.
2. Василюк Я.В., Кравцевич В.П. Линии и кроссы, используемые в интенсивном птицеводстве: Учебно-методическое пособие. – Гродно, 2002. – 44 с.
3. Гудин В.А., Лысов В.Ф., Максимов В.И., Учебник, // Физиология и этология сельскохозяйственных птиц //, Москва, Лань, 2010 – С. 126-156.
4. Жидких З.А., Сметнев С.И. «Лабораторно-практические занятия по птицеводству» Москва 1963.
5. Кочиш И.И., Петраш М.Г., Смирнов С.Б. Птицеводство. – М.: Колос. 2004. – 407 с.
6. Сидоренко Л.И., Щербатов В.И., Биология кур Учебное пособие, Краснодар, КубГАУ, 2016
7. Фисинин В.И., Егоров И.А., Буяров В.С., Буяров А.В. // Птицеводство России: Состояние и перспективы инновационного развития / Наука и образование XXI века: опыт и перспективы: материалы Международной научно-практической конференции. – 2015. – С. 214-220.
8. Уголев А. Книга «Теория адекватного питания и трофология» <https://www.labirint.ru/books/643500/>.

УДК. 36.933.2.08242.612.017

А.Э. Ата-Курбанов, соискатель, К.Н. Норбаев, д.в.н., профессор,
Самаркандский государственный университет ветеринарной
медицины, животноводства и биотехнологий

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИММУНОМОДУЛИРУЮЩИХ ПРЕПАРАТОВ ДЛЯ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ГИНЕКОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ОВЦЕМАТОК И ПОВЫШЕНИЯ ЖИЗНЕСПОСОБНОСТИ ИХ ПРИПЛОДА

Annotatsiya

Maqolada qiyin tug'ilishlar, reproduktiv trakt patologiyalari va ginekologik kasalliklarni oldini olish maqsadida 1,5 yoshli qorako'l sovliqlarida timus ekstrakti va og'iz sutidan foydalanish bo'yicha tadqiqotlar natijalari keltirilgan, shuningdek, ushbu biologik faol moddalarni ularning avlodlarining mahsuldorlik xususiyatlari va hayotchanligiga ta'siri ko'rsatilgan.

Ключевые слова: каракульские овцематки, профилактика гинекологических заболеваний, экстракт тимуса, консервированное молозиво, живая масса и сохранность ягнят.

Введение. Полноценное ветеринарное обслуживание маток на последнем сроке беременности, равно как кормление и содержание, оказывает решающее влияние на жизнеспособность молодняка и здоровье матери после родов. Проводимые мероприятия в предродовой период должны быть ориентированы прежде всего на комплексную профилактику акушерско-гинекологических заболеваний, нормализацию и стимуляцию обменных процессов матери и плода, в том числе с помощью применения природных биологически активных веществ животного и растительного происхождения. Современные зооветеринарные мероприятия уже в период беременности, в том числе скармливание витаминно-минеральных добавок позволяют создавать предпосылки к увеличению будущей продуктивности и минимизировать ветеринарные затраты после родов. Комплексное применение натуральных биологически активных препаратов позволяет улучшить воспроизводительную функцию животных [1,2].

Необходимо отметить, что первокотки наиболее предрасположены к различного рода гинекологическим заболеваниям из-за частого проявления у

них трудных родов, что в последствии является причиной нарушения репродуктивной функции и бесплодия. Инстинкт материнства, который имеет значение в выращивании здорового потомства, своевременном обеспечении ягнёнка молозивом у первокоток выражен несколько слабее по сравнению с взрослыми овцематками. Кроме этого количественные и качественные показатели молозива у первокоток ниже по сравнению с овцематками третьего и четвёртого окота. Таким образом, проведение мероприятий для предотвращения гинекологических заболеваний этой категории маток с целью профилактики бесплодия и получения от них жизнеспособного приплода является востребованным [3,4].

Цель исследований. Изучение влияния экстракта тимуса и молозива на профилактику патологии родов и послеродового периода овцематок, а также на продуктивные особенности и сохранность их приплода.

Summary

The article presents results of studies on the use of thymus extract and colostrum on karakul sheep of 1.5 years of age in order to prevent difficult lambing, prophylaxis pathologies of the reproductive tract and gynecological diseases, and also shows the effect of these biologically active agents on the productive attributes and viability of their offspring.

Материал и методы исследований. Научные исследования проводились в ООО "Карнаб-Ота" Пахтачинского района Самаркандской области расположенного в зоне гипсовой полынно-эфемерово́й пустыни. Экспериментальные группы выпасались на полынно-эфемеровых пастбищах и содержались в одинаковых условиях с основным поголовьем.

Для проведения исследований по принципу аналогов с учетом шерстно-конституциональных типов, упитанности, физиологического состояния были сформированы 3 опытные и 1 контрольная группы овцематок (по 25 голов в каждой) состоящих из первокоток суровой окраски 1,5 летнего возраста. Для проверки влияния биологически активных средств на течение ягнения, эффекта профилактики патологии родов и послеродового периода 1-й опытной группе первокоток за 10 дней до ягнения вводили подкожно 5 мл/гол экстракта тимуса и 2-й опытной группе подкожно 10 мл/гол консервированного молозива, 3-й опытной группе вводили в комплексе экстракт тимуса 5 мл/гол и консервированное молозиво 10 мл/гол. Контрольной группе первокоток вводили подкожно физ. раствор. по 5мл/гол. Введение препаратов осуществляли с соблюдением санитарных правил асептики и антисептики.

Применение биологически активных веществ – экстракта тимуса и консервированного молозива имеет научную основу.

Согласно данным [5,6] в молозиве каракульских овец концентрация иммуноглобулинов (G1;G2;A;M;) составляет 90-100 мг/мл, что в 5-7 раз больше, чем в крови у овцематок, 80-90 % лейкоцитов составляют макрофаги. Кроме этого в молозиве имеются бактерицидные вещества – лизоцим, бактериолизин, лактоферрин, а также 10 различных аминокислот.

Биологические компоненты входящие в состав молозива строго сбалансированы и имеют не только питательное, но и защитное значение. В молозиве содержатся гормоны – эстрогены, эстрон, эстрадиол. Среднее значе-

Таблица 1.

Использование молозива в комплексе с экстрактом тимуса на каракульских матках 1,5 летнего возраста для профилактики болезней гениталий и иммунодефицитов молодняка

Группа животных	n	Доза препарата, мл	Зарегистрировано больных овцематок, после расплода, гол.					% к контролю	Зарегистрировано ягнят с признаками иммунодефицитов	
			Эндометриты и метритами	Маститами	Задержание последа	всего	гол		%	
			1. Матки без обработки (контроль)	25	Физ. раствор, 5 мл	2	1	2	5	20,0
2. Матки обработанные экстрактом тимуса	25	5 мл/ подкожно	1	-	1	2	8,0	1	4	
3. Матки обработанные молозивом	25	10 мл/ подкожно	1	1	-	2	8,0	1	4	
4. Матки обработанные экстрактом тимуса и молозивом	25	5+10 мл/ подкожно	-	-	-	-	-	-	-	

ние химических веществ в %: влаги 76,27, протеина 7,51, жира 8,46, лактозы 7,32, минеральных веществ 0,087.

Такое сочетание органических веществ обладает высокой биодоступностью и усвояемостью.

Тимус – центральный орган клеточного иммунитета. Известно, что тимус не только выполняет важнейшие иммунологические функции, но и регулирует физиологические функции организма, белковый обмен, уровень минеральных веществ, оказывает влияние на сердечно-сосудистую систему, мышечную деятельность и гемопоэз. Тимус принимает посредственное отношение в половом созревании и регулирует функцию гонад через гипоталамо-гипофизарный комплекс [7].

Результаты исследований.

Проведённые научные эксперименты показали (табл. 1), что использование отдельно экстракта тимуса и консервированного молозива на матках 1,5 летнего возраста за 10 дней до окота оказало положительное влияние на послеродовое состояние животных. По сравнению с контролем такие заболевания как эндометриты, метриты, маститы и задержания последа уменьшились при применении этих препаратов на 12,0 %. При комплексном использовании молозива с экстрактом тимуса эти гинекологические заболевания не были зарегистрированы. Следует отметить, что использование молозива и

экстракта тимуса на первокотках до родов оказало положительное влияние на состояние их потомства. Если в контрольной группе маток, которым вместо препаратов вводили физ.раствор было установлено 12,0 % ягнят с признаками иммунодефицитов, то в опытных группах где эти препараты применялись в отдельности иммунодефициты обнаружены лишь у 4,0 % животных, у остальных ягнят состояние иммунитета было в пределах нормы. Совместное использование этих препаратов предотвратило развитие иммунодефицитов.

Контрольная - ягнята, полученные от маток без предварительной обработки;

Опытная 1- ягнята, полученные от маток обработанных экстрактом тимуса;

Опытная 2 – ягнята, полученные от маток обработанных молозивом;

Опытная 3 – ягнята полученные от маток обработанных экстрактом тимуса+молозиво

Наблюдение за ягнятами, полученными от маток обработанных молозивом и экстрактом тимуса показало (табл. 2), что заболеваемости и падежа среди них не наблюдалось, тогда как в контрольной группе заболеваемость составила 16,6 %, пало 1 гол 4,2 % ягнят. У ягнят обработанных этими препаратами в отдельности заболеваемость составила 4,0 %, падеж отсутствовал. Как

Таблица 2.

Динамика живой массы и жизнеспособность ягнят полученных от первокоток обработанных экстрактом тимуса и молозивом

Группа ягнят	n	Живая масса ягнят, кг			Выживаемость			
		При рожден.	В месяч. Возрасте	При отбивке	Заболело		Пало	
					гол	%	гол	%
1. Контроль	24	3,77±0,04	9,4±0,22	*24,1±0,31	4	16,6	1	4,2
2. Опытная 1	25	3,84±0,05	10,5±0,25	*25,2±0,32	1	4,0	0	0
3. Опытная 2	25	3,88±0,06	10,7±0,28	*25,5±0,36	1	4,0	0	0
4. Опытная 3	25	3,92±0,04	11,5±0,26	*26,6±0,30	0	0	0	0

Список использованной литературы:

видно из таблицы 2 в месячном возрасте живая масса ягнят полученных от маток обработанных молозивом и экстрактом тимуса была на 2,1 кг, а обработанных в отдельности экстрактом тимуса на 1,1 кг и молозивом на 1,3 кг больше по сравнению с контролем. Наблюдение проведённое до отбивки ягнят от матерей показало, что применение в комплексе молозива и экстракта тимуса на матках оказало положительное влияние на развитие их потомства, где живая масса ягнят в период отбивки составила 26,6 кг, а при отдельном применении экстракта тимуса 25,2 кг и молозива 25,5 кг, что на 2,5 кг, 1,1 кг и 1,4 кг больше чем в контроле ($P < 0,05$; $P < 0,01$).

Выводы. Таким образом, парентеральное введение овцематкам за 10 дней до окота в отдельности молозива и экстракта тимуса, так и комплексное их применение уменьшает заболеваемость гинекологическими заболеваниями, предотвращает иммунодефициты и падёж полученных от них ягнят, положительно влияет на увеличение их живой массы. Препараты могут быть рекомендованы в каракулеводческих хозяйствах для профилактики иммунодефицитов молодняка и послеродовых заболеваний маток.

1. Невинный В.К., Ряпосова М.В., Соколова О.В. Витадаптин при гипофункции яичников у коров-первотелок. - Москва, Ж.: Ветеринария, - № 12, 2007. – С. 12.
2. Иванов В.И., Каменчук В.Н. Клинические проявления первичного иммунодефицита. //Материалы науч.-произв. конф. по актуальным проблемам ветеринарии и зоотехнии. Казань, 2001. - Ч. 2. - С. 56-57.
3. Лободин К.А. Плацента активное начало – препарат для коррекции воспроизводительной функции коров. - Москва. Ж.: Ветеринария,- №8, 2006. – С. 38-41.
4. Гнездилова Л.А., Пименов Н.В., Дмитрик И.И., Беляева Ю.А., Беркович А.М. Действие лигфола на естественную резистентность организма овец. Ж.: Ветеринария, Россия. - №4, 2007 – С. 10-12.
5. Джураев Т., Манашев Х. Иммуноглобулины молозива каракульских овец и их использование. Ж. «Сельское хозяйство Узбекистана», - Ташкент, №6,1997.- С.33-34.
6. Хасанов М. Сывороточные белки каракульских овец. – Ташкент. «Мехнат», 1995.- 170 с.
7. Воронин Е.С., Петров А.М., Серых М.М., Девришев Д.А. Иммунология.- М.: «Колос-Пресс», 2002. – 408 с.

Қашқадарё вилояти.

Телефони туну кун ишлайдиган ва одамлар чақирганда “Ҳозир бораман”, дея йўлга отланадиган ветврачни қишлоқда каттаю кичик ҳурмат қилади. Унинг тўй қилишини кўпчилик интиқ бўлиб қутади ҳам. Тўйга айтса, “тўёнани” каттароқ қилишим керак, дейди. Баъзилар ҳатто ветврачнинг яхши кунига қўчқор ҳам етаклаб боради. Чунки қачонлардир моли касал бўлганда мутахассисни чақирган, у эса шу заҳоти етиб келган ва жониворларни даволаган, қолган чорвани ҳам кўриқдан ўтказиб, керакли маслаҳатини берган, хизмат ҳақим шунча бўлади, деб отнинг калласидек нархни айтмаган, қўнғилдан чиқариб берилган пулни олган, бермаса индамаган, кетган. Шу орада хонадон эгасининг чорваси кўпайди, рўзғорига барака кирди, ветврачнинг беғараз кўмаги билан тўрт бош қўйи бир отар бўлди. Бунга қадрламай бўладими? Қамашни туманида бўлган кун ана шундай захматкаш инсонлардан бирини учратдик: “Қорабоғ” ветучастка мудирини Баҳодир Рўзиев.



У ишга келганида мўйлови эндигина сабза урган йигитча эди. Қишлоқ қизига уйланди, 4 қиз ва бир ўғилнинг отаси бўлди, уй қуриб ҳовлисига минг турли дарахтлар экди. Бугун томорқани гуллашиб қўйишга ҳам, ветврач сифатида одамларнинг молини даволашга ҳам Баҳодир ака вақт топаётти. Шунингдек у одамларнинг оғир кунига ҳам, тўйларида ҳам доимо бирга. Рўзиевлар хонадонига меҳмон учун дастурхон доимо очиқ, янгамиз қашқадарёлик аёллар сингари гўштли овқатларни бошлаб пиширади, қизларига ҳам пазандалик сирларини ўргатган. Аҳил оиланинг ибратли ишлари маҳалла раиси томонидан ҳам эътироф этилган. Яна бир гап. Бундан икки йил илгари Баҳодир Рўзиев номига пойтахтдан совға келди. Қўмита раисининг имзоси қўйилган ташаккурнома ва мотоцикл ўз эгасига тантанали равишда топширилди. Устозлару шогирдлар Баҳодир акани муқофот билан табриклашди. Не ажабки, ўша кунни янгамизнинг пазандачилик маҳорати яна бир қарра синовдан ўтди.

– Шу қасбни танлаганимдан беҳад хурсандман. Худудда 10 та қишлоқ, 2936 та хонадон бор. Йил бўйи туну кун ишлаганда ҳам юмушлар тугамайди. Улгурмаган жойларга шогирдларни юбораман, тушунмасанлар қўнғирок қилинлар, молнинг ҳолини суратга олиб, телеграмм орқали ташлаб беринлар, дейман. Шу зайл интернет имкониятларидан ҳам самарали фойдаланяпмиз. Аллоҳга шукр, муаммо йўқ, рўзғор тўкин ўтапти, – дейди Баҳодир ака. – Мана танишдик, бу гал тўй қилсам, албатта айтаман, келасиз.

Сирожиддин

БУЗОҚЛАРНИНГ НЕОНАТАЛ ДАВРИДАГИ ИЧ КЕТИШ КАСАЛЛИКЛАРИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МАЖМУАВИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Аннотация

В статье даны материалы об этиологии и профилактике диспепсии телят в неонатальный период. Указаны виды микроорганизмов и вирусов способствующих появлению болезней желудочно-кишечного тракта телят и материальных ущербов от диспепсии. Даны советы по мероприятиям по предотвращению диспепсии телят в осенне-зимний период, а также рекомендации при этом использование вакцины Ротагал.


Ключевые слова: Неонатал, микроорганизмы, вирусы, бактерии, простейшие, диспепсии, кормление, молозиво, молоко, иммунитет, иммунные силы, вакцина.

Неонатал давр бу бузоқлар туғилганидан то 1 ойлик ёшгача етган давр оралиғи бўлиб, у бузоқ туғилгандан сўнг унинг биринчи 170 соатгача (7 кунгача) бўлган даври «эртанеонатал», 8 кунликдан 1 ойгача бўлган даври «кечнеонатал» даврларга бўлинади.

Ҳар бир чорвачилик фермасида айна шу даврдаги бузоқларнинг ич кетишлари кўп учрайдиган касалликлари асосий зарар келтираётган омил эканлигини ҳеч бир амалиётчи ёки олим инкор қила олмайди. Неонатал ич кетишлар барча хўжаликларга қатта иқтисодий зарарлар келтиради. Бу иқтисодий зарарлар мажмуавий ҳисобланиб унга нафақат касалланган бузоқларнинг ўлиши ёки сўйилиши натижаси, балки келажакдаги олинши мумкин бўлган:

- ўз подасини ўзида етиштирилган сигирлар билан тўлдириш имкониятидан маҳрум бўлиш оқибатлари,
- бузоқларни ўлиши ёки сўйилиши натижасида олинмай қолган сут-гўшт маҳсулотлари қийматлари,
- касал бузоқларни тузатишган кетган харажатлари,
- омон қолган бузоқларнинг ўсишдан қолишида йўқотилган харажатлар ва бошқалар қиради.

Бузоқларнинг неонатал давридаги ич кетишлар мурракб жараён бўлиб, унинг вужудга келишида турли патоген, шу жумладан зооноз микроорганизмлар сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли бундай бузоқлар билан иш жараёнида турли хил алоқа бўлишлар натижасида бузоқбоқарларда, ветеринария ва зоотехник ходимларда ҳам ич кетишлар уларнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмасликлари натижасида учраши мумкин. Ундан ташқари касал бузоқларнинг оғиз сути ва



сут ичиш идишларидан тозаламасдан бошқа бузоқлар сут ичишида фойдаланиш ич кетар касалликлари бошқа соғ бузоқларга ҳам юқишига сабаб бўлади.

Бузоқларнинг неонатал даврида ич

Annotation

The article provides materials on the etiology and prevention of calf dyspepsia in the neonatal period. The types of microorganisms and viruses that contribute to the appearance of diseases of the gastrointestinal tract of calves and material damage from dyspepsia are indicated. Advice is given on measures to prevent calf dyspepsia in the autumn and winter period, as well as recommendations for the use of the Rotagal vaccine.

кепиш касалликларининг келиб чиқиш сабабларига уларнинг туғилгунгача хўжаликда йўл қўйилган қуйидагилар:

– сигирлар бўғозлигининг 8-9 ойлардаги «курук» ушлаш давридаги нотўғри озиклантиришлар ва уларнинг паст вазнлари;

– бузоқларни туғилгандан сўнг оғиз сути билан ўз вақтида таъминлашда эътибор бермаслик ва нотўғри озиклантиришлар;

– янги туққан сигирларни нотўғри мувозанатланмаган ва тўлақонсиз озиклантиришлар;

– Фермаларда мавжуд юқумли касалликлар ва ноқулай табиий, ушлаш шароитлари сабаб бўлиши мумкин.

Афсуски, амалиётда бу камчиликлар эътиборсизликлар сабабли кўпинча мажмуавий характерга эга бўлади ва ветеринария хизматларининг қатта муаммоларидан бири бўлади. Амалиётда бузоқларнинг ич кетиш касалликлари ва улар натижасидаги бузоқларни мажбурий сўйишлар ҳамда ўлимлари 70%ни ташкил этиши мумкин. Бундан ташқари, неонатал ич кетишлар бузоқларни даволашга кетган моддий сарф-харажатлар ва иш вақтини меъёрларга нисбатан анча оширади. Бунда бузоқларни асраб қолишга эришилсада, уларнинг кейинчалик организмларида иммуноглобуларнинг камлиги туфайли бошқа касалликларга мойиллиги ошади, ўсиши ва ривож соғломларига нисбатан паст бўлади. Охир оқибат улардан олинган маҳсулотлар соғлом тенгдошлариникига нисбатан камлиги кузатилади.

Маълумки, оғиз сути энг яхши табиий иммуностимулятор ҳисобланади ва у бузоқ туғилгандан сўнг 1-2 соат давомида, лекин 6 соатдан кам бўлмаган даврда, бузоққа ичирилиши лозим. Шундагина оғиз сути бузоққа табиий шароитларда яшаб кетиши учун иммун кучлари шаклланишига қатта ёрдам беради. Оғиз сутини кунлик ичириш меъёри бузоқ тирик вазнининг камида 10%ни ташкил этиши керак. Яхши оғиз сунининг бир мл.да 60 мг иммуноглобулар, энг кўпида 10000 КОЭ микроорганизмлар (ичак таёқчалари) формалари миқдори бўлиши лозим.

Сут табиий маҳсулот бўлиб, унда турли микроорганизмлар ва вирусларнинг бўлиши табиий ҳолат. Шу сабабли уларнинг оғиз сути ва сутда меъёрда бўлишини назорат қилиш лозим. Чунки бузоқлар ич кетиш

касалликларининг келиб чиқишида улар асосий ролларни ўйнайдилар. Табиий ҳолда ҳаётий фаолиятда катта рол ўйновчи ичак таёқчасининг *E. Coli* тури юқимли касалликларни келтириб чиқарувчи антиген K99 формалари ҳар қандай чорвачилик фермасининг ҳолатини ёмонлаштириши ва муаммонинг ечимини чигаллаштириши мумкин.

Табиий шароитларда вируслар иккиламчи бактерияли инфекцияларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳисобланади. Вируслар бузоқларни ичакларининг микросўрғичлари (микроворсинка) бузади ва улар атрофиясини келтириб чиқаради. Бунинг натижасида сутнинг ичак орқали сўрилиши қисман бузилади ва сўрилмаган сут қолдиқлари ичакларда йиғилиб, унга катта осмотик босим кўрсатиб, нормал фаолиятни бузади ва ич кетишларни келтириб чиқаради. Вирусларнинг бузоқлар учун энг хавфлилари – ротавируслар (*Rotavirus*) ва коронавируслар (*Coronavirus*) ҳисобланади.

Бактериялар орасида клостридийлардан *Clostridium perfringens*нинг С типи, *Salmonella* spp.нинг кўп учровчи *S. typhimurium* и *S. Dublin* формалари, оддий микроорганизмларнинг криптоспоридийлар (*Cryptosporidium* spp.) ва кокцидиялар (*Eimeria bovis* и *Eimeria zuernii*) бузоқларнинг ич кетишларида катта рол ўйнайди.

Аммо булар орасида амалиётчилар ва ветеринария ходимлари сальмонеллезга ўта эътиборни қаратишлари лозим. Сальмонеллез одатда бузоқларда уч типда: гиперфаол- яшин тезлигида ёки септик, ўткир ёки ичак формали ва сурункали формада кечади.

Гиперфаол-яшин тезлигидаги сальмонеллезда бузоқнинг ўлими касалликнинг клиник формалари кўринмаган ҳолда тез содир бўлади. Бунда фақатгина бузоқларнинг гипотермиясини (хароратлари тушини), оғир депрессиясини, холсизланишини, опистотонус (мушакларнинг тоник қисқариши натижасида бошни орқага буриш, оёқларни чўзиш, оёқларининг эгилиши билан конвулсив ҳолатлари) ва ич кетишларни кузатиш мумкин.

Ўткир ёки ичак формали сальмонеллез кенг тарқалган бўлиб, унинг клиник кўринишларида бузоқнинг ҳарорати кўтарилиши, анорексияси (озуқадан бош тортиши ва бошқалар), депрессияси, танасининг сувсизланиши ва ўткир хидли ич кетишлари билан таснифланади. Дастлаб бузоқ ахлати суюқ ҳолда, кейинчалик қон ва шилимшик аралаш қуюқ кўринишда бўлади.

Сальмонеллезнинг сурункали формаси одатда 2 ойликдан катта бузоқларда кузатилади. Бунда бузоқларнинг секин ўсиши, суюқ ахлатлари ёки енгил ич кетишлари кузатилади.

Сальмонеллезларда бузоқларнинг ўлиши турлича бўлади ва энг кўп ҳолатлар (75% гача) яшин тезлигида ва ўткир кечишларида кузатилади.

Барча ветеринария ходимлари янги туғилган бузоқларда носпецифик туғма иммунитет борлигини яхши билишади. Аммо уларнинг баъзилари амалиётда бу турдаги туғма иммунитетни шакллантириш учун бузоқ туғилишидан анча олдин ҳаракатлар қилиш лозимлигини ёддан чиқаришади. Табиат қонуни асосида хомиланинг ривожланиши сигир бўғозлигининг охириги 7-9 ойлари шиддат билан ривожланади. Бу даврда тўғри озиклантиришни ташкил этмаслик натижасидаги меъёрлаштирилмаган ва тўлақонли бўлмаган озик-

лантиришлар номақбул туғилишларга, туғилаётган бузоқларнинг нимжонлигига, уларнинг ёмон ўсиши ва ривож секинлашига, баъзан тўхташига, янги туққан сигир ва ғунажинлар сут беришининг кам маҳсулдорлигига сабаб бўлади.



Куруқ даврдаги бўғоз сигирларнинг озиклантирилиши умумий даражаси ўртача уларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 1,5-2,0 ЭОБ бўлиши керак. Рационлар тузиш даврида 1 ЭОБга тўғри келадиган тўйимли моддалар микдорларини ҳисобга олиш лозим. Бунда ҳар 1 ЭОБга 110 г ҳазмланувчи оқсил, 200-300 г хом клетчатка, 90 – 100 г канд, 100 – 140 г крахмал, 30 – 40 г ёғ, 6 г ош тузи, 9 – 10 г кальций, 6 г фосфор, 45 – 60 мг каротин, 1000 ХБ D витамини, 40 мг - E витамини тўғри келиши керак. Бўғоз сигирлар ва ғунажинларнинг куруқ ушлаш даврига тахминий рационлари ЭОБда: кишки даврга 50 % – пичан, 25 % – ширали озуқалар, 25 % омихта емлар бўлади. Ёзги даврга эса пичан ва ширали озуқалар кўк ўтлар билан алмаштирилади. Бу даврда сут йўналишидаги сигирлар ва ғунажинларнинг кунлик вазн ўсиши 500 – 600 г дан кам бўлмаслиги керак.

Сигир ва ғунажинларда туққанидан сўнг маститлар бўлишининг олдини олиш учун туғишига бир ҳафта қолганда, уларнинг умумий озиклантириш микдорлари ЭОБда 30 – 40 % камайтирилади.

Туғадиган сигирлар ва ғунажинларга туғишидан олдинги рационларда яхши сифатли пичан хоҳлаганича ва ичини юмшатадиган концентратли озуқалар (сули уни, буғдой кепаклари, писта кунжараси ва шротги, омихта емлар) берилди. Туғишига 2 -3 кун қолганда улар рационларидан концентратли озуқалар олиб ташланади ва рацион фақатгина яхши сифатли пичандан иборат бўлади.

Шундагина янги туғиладиган бузоқларда табиий иммунитетни шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, табиий иммунитетни сунъий шакллантириш, мақсадли равишда янги туғиладиган бузоқларнинг патоген микроорганизмлар учун қурашини таъминлашда махсус антигенларга эга вакциналарни қўллаш лозим. Бу эмлашларда вакцинанинг антигенлари бузоқларнинг иммун тизимининг махсус (спецефицик) жавоб реакцияларни ишга солади ва химоя тизимини шакллантиради. Бузоқларнинг иммун тизими шаклланишида Т-хеппер хужайралар кўп роллар ўйнайдилар. Бу хужайраларнинг ишлаб чиқараётган биокимвий моддалари организмдаги В – хужайраларни фаоллаштиради, организмга тушган ёт микробларни йўқ қилувчи фагоцитлар микдорларини оширади, организмдаги микробларни йўқ қилувчи “Т-ўлдирувчи хужайраларини” ишга туширади. Т-хеппер хужайраларнинг супрессорлари, шунингдек организмнинг иммун тизимини назорат қилади ва ёт микроорганизмлар йўқ қилингандан сўнг иммун кучларининг “Т-ўлдирувчи хужайраларини” тинчлантиради.

Ҳар қандай эмлашнинг бевосита фойдаси индивидуал шахсий иммунитетлиги ва эмлаш маълум бир

касалликдан маълум муддат ҳимоя қилишини деярли ҳар бир ветеринария ходими яхши билади. Эмлашнинг яна бир иккинчи фойдаси эмланган подада иммунитетнинг тўлиқ ҳосил бўлганидир. Пода иммунитетни назарияси шуни кўрсатадики, битта ҳўжаликда эмланган ҳайвонларнинг маълум бир касалликка қарши ҳимоя таъсири эмланмаган ҳайвонларга ҳам тааллуқлидир. Бу эмлаш мумкин бўлмаган ҳайвонларни, шу жумладан янги туғилган бузоқлар ва сурункали касалликларга чалинган ҳайвонларни инфекция хавфига олиб келиши мумкин бўлган касалликлар эпизоотияси эҳтимолини камайтириш орқали ҳимоя қилади. Шунингдек, у касалликдан тўлиқ эмланмаган бўлиши мумкин бўлган эмланган ҳайвонларни ҳимоя қилади. Подадаги иммунитетнинг меъёр чегарасидан пастга тушганда, ҳар қандай касаллик подада оммавий тарқалиши мумкин. Эмлаш нафақат ҳайвонларни, балки жиддий хавф остида бўлган барча подаларни касалликлардан ҳимоя қилиши мумкин.


Бузоқларнинг туғилгандан сўнг ич кетишлари, инфекцияларнинг олдини олиш учун унинг ҳомилалик давридаёқ оналарини эмлаш лозим. Бу уларнинг оғиз сути ичиш даврида шаклланган иммунитетни кучини узоқ даврга чўзади. Бунинг учун бўғозлигининг охириги уч ойида (триместрида) бўғоз сигирларга ротавирус, коронавирус ва ичак таёқчасининг патоген формаларига қарши эмлаш дастурини қўллаш керак.

Ушбу эмлаш янги туғилган бузоқларнинг неонатал ич кетишлари (диарея) билан касалланишини камайтиради, бузоқларнинг соғлигини яхшилайти ва натижалар ҳўжаликнинг келажакдаги иқтисодий самарасини ташкиллаштиришга пойдевор яратади.

Айни даврда Ўзбекистонда кўпгина тадбиркорликка, шу жумладан ветеринария дори-дармонлари олиб киришга давлат томонидан йўл очилганлиги сабабли олдин қўлланмаган кўпгина эмланмалар ва дорилар республикамизга ўрнатилган тартибда махсус текширувлардан ва рўйхатдан ўтказилиб, олиб кирилмоқда.

Булар қаторига бузоқларнинг ич кетишлари (диареяларни) олдини олувчи Словакия Республикасида Испаниянинг йирик ветеринария эмламалари ишлаб чиқарувчиси “Industrial Veterinaria, S.A. Invesa” компаниясининг лицензияси асосида ишлаб чиқилган “Ротагал” эмламасини қайд этиш мумкин. Ушбу кучсизлантирилган эмламада қорамоллар коронавирсининг “С-197” штамми, ротавирсининг “ТМ-91” штаммининг “G6P1” серотипи, ичак таёқчаси *E. coli* нинг ЕС/17 формаси, F5 (K99) адгезив антиген мавжуд бўлиб, у бўғоз қорамоллар ва гунажинларнинг охириги 3 ойлик бўғозлик даврида бўлғуси авлодларида оғиз сути ичиш даврида пассив иммунитет шакллантириш учун фаол эмлашда қўлланилади. Бу вакцина қўлланганда она сигирлар ва унинг қорнидаги бузоқлари организмларига кучсизлантирилган вирусларнинг патогенлари антиген сифатида етказилиб, Т ва В хужайралар ёрдамида махсус антитаналар ишлаб чиқилиб улар иммун тизимининг фаолияти фаоллаштирилади. Шу даврда Т ва В хужайраларнинг “ёдида” патогенлар тўғрисида маълумот қолади ва келгусида организмда бундай патогенлар пайдо бўлса, иммун тизими қайта

фаоллашади ва зарур микдорда антитаналар ишлаб чиқаришни таъминлайди.



1-расм. Эмланма таъсири кўриниши

Ушбу эмланма қорамолларнинг кучсизлантирилган короно ва ротавируслари, ичак таёқчасининг патоген формаларига қарши яхши самара беради ва бузоқларнинг биринчи оғиз сути ичиши билан уларда ич кетишларга қарши пассив иммунитет вужудга келади. Эмлашлар бўғоз гунажинлар ва сигирларнинг туғишидан 12-3 ҳафта олдин бир марта 3 мл эмламани укол қилиш йўли билан ўтказилади. Эмланма мутлоқ зарарсиз бўлиб, унинг таркибига қорамоллар ва бузоқлар ўрганиб қолмайди. Олинадиган сут ва гўшт маҳсулотларига ҳеч қандай чекловлар йўқ. Унутмаслик керак, вакцинанинг ўз вақтида фаоллигини ошириш учун янги туғилган бузоқларга туғилгандан сўнг 2-6 соат давомида оғиз сути берилиши шарт.

Ушбу вакцина 5 ва 30 талик дозаларда кадоқланади. Йўриқномада белгиланган усулларда сақланганда (+4-12 ҳароратда) эмланмани сақлаш муддати 36 ойни ташкил қилади. Ўйлаймизки, ушбу вакцинани қўллаш ҳўжаликларда янги туғилган бузоқларни асрашда ва катта иқтисодий фойда олишда ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Интернет манбалари:
[HTTPS://VEGETORY.RU/](https://VEGETORY.RU/),
<https://vetsnab.info/vetpreparaty/rotagal-vakczina-inaktivirovannaya-protiv-rotavirusnoj-koronavirusnoj-infekczii-i-kolibakterioza-krupnogo-rogatogo-skota/>
<http://konsulagro.by/>

МУРОЖААТ УЧУН:

МП «САНЖАР-ГОЛД»
 Адрес: 140154,
 г. Самарканд,
 ул. М. Улугбека 70 «А»

Тел/факс: (+99866)233-03-21,
 Моб.: 99897-914-03-21
 99890- 251-66-21

UO'K. 619:636.2

Sh.N.Madraximov, loyiha rahbari, q.x.f.n.,
"Qorabayir otchilik majmuasi";

G.X.Mamadullayev, v.f.d. k.i.x, VITI;

B.SH.Boybulov, q.x.f.n., k.i.x., Chorvachilik va parrandachilik ITI
Qashqadaryo ilmiy-tajriba stansiyasi;

Sh.Q.Amirov, q.x.f.n.,

S.Begmatov, J.Sadikov, "Qorabayir otchilik majmuasi" xodimlari

QORABAYIR ZOTLI OTLAR QONINING BIOKIMYOVIY KO'RSATKICHLARI

Аннотация

В статье приводятся результаты биохимических исследований крови лошадей Узбекской национальной породы "Карабайр" принадлежащей коневодческому комплексу "Карабайр" с целью создания и депонирования базы данных новых групп племенных пород лошадей "Карабайр".

Kirish so'zlar:

Kirish. O'zbekiston Respublikasida mavjud ot sporti majmualarida, chavandozlar maktablarida, qolaversa milliy va klassik ot sporti turlarida foydalanish uchun nasldor va ekster'er yuqori darajada shakllangan, xaridorbop otlarga ehtiyoj mavjud bo'lib, fermer xo'jaliklari va aholi tomonidan talab oshib bormoqda. Respublikamizda yagona Qorabayir zotli otlarni ko'paytirish va naslini yanada yaxshilashni davrning o'zi taqozo qilmoqda. So'nggi yillarda milliy va klassik ot sport turlarini rivojlantirishga davlat tomonidan katta e'tibor berilmoqda. Tadqiqotchilar jamoasi tomonidan o'tkazilayotgan ilmiy tekshirishlar natijasida samarali seleksiyalash usullaridan foydalanib, Qorabayir zotli otlarning yangi tizim va oilalarini yaratishga asos solinadi va mamlakatimizga chetdan kirib kelayotgan boshqa zotga mansub otlar o'rnini bosadi hamda mahalliyashtirish dasturiga to'liq mos keladi. Qorabayir zotli otlarning Respublika miqyosida bosh sonini ko'paytirish, ushbu mahalliy otlarni eksport qilish, shuningdek mazkur zot otlari qon ko'rsatkichlari, genetik ma'lumotlari bo'yicha komp'yuter elektron bazasi yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki hozirgacha Qorabayir ot zoti bo'yicha gematologik, biokimyoviy va genotipik ma'lumotlarning elektron bazasi yaratilmagan, jahon bank genofondiga kiritilmagan. Shuning uchun bu borada tadqiqotlar o'tkazish uchun Qorabayir zotli otlar qonini biokimyoviy

Summary

The article presents the results of biochemical blood tests of Uzbek national breed "Karabair" horses owned by the JSC "Horse Breeding Complex Karabair" in order to create and deposit a database of new groups of breeding horse breeds "Karabair".

tekshirish va referens ma'lumotlar bazasini yaratish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Tadqiqotlarning material va uslublari. Qashqadaryo viloyat Yakkabog' tumanida joylashgan "O'zbekiston temir yo'llari" AJ "Qarshi mintaqaviy temir yo'l uzeli" UK Qorabayir otchilik majmuasida ushbu zot otlar qonini biokimyoviy tekshirish va referens ma'lumotlar bazasini yaratish uchun tadqiqotlar o'tkazildi. Ilmiy-tadqiqot ishlarida zamonaviy komp'yuter dasturlaridan foydalanildi. Ilmiy tadqiqotlar jaryonida umumqabul qilingan eksperimental, mikroskopik va statistik uslublardan foydalanildi. Tekshirishlar zamonaviy Gematologik va Biokimyoviy analizatorlar yordamida VITI Protozoologiya laboratoriyasida (Karimova N., G'oyibnazarov Q) o'tkazildi.

Tekshirishlar uchun otchilik majmuasida 10 bosh ot tanlab, saralab olindi. 8 bosh ayg'ir va 2 bosh biyalardan iborat 2 ta otlar guruhi tuzildi. Tanlangan otlardan aseptika-antiseptika qoidalariga rioya qilingan holda bo'yinturuq venasidan 10 ml.dan qon olindi. Otlar qoni antikaogulyant (geparin 1%) qo'shilgan probirkalarga olindi va VITI laboratoriyasiga biokimyoviy tekshirishlar uchun jo'natildi. Tekshirish natijalari 1-jadvalda aks ettirilgan.

Sog'lom otlarda me'yoriy fiziologik sharoitlarda qonning kimyoviy-morfologik va fiziko-kimyoviy doimiyligi



1-rasm.



2-rasm.

Qorabayir zotli otlar qonining biokimyoviy tahlil natijalari

	Ko'rsatkichlar	Me'yor	№1 Sangar, ayg'ir	№2 Limon, ayg'ir	№3 Go'zal, biya	№4 Billur, biya	№5 Sadaf, ayg'ir	№6 Kapital, ayg'ir	№7 Yulduz, ayg'ir	№8 Profil', ayg'ir	№9 Akula, ayg'ir	№10 Mira, ayg'ir
1	Umumiy oqsil	57-79 g/l	73,5	67,2	74,5	72,3	57,6	63,3	75,7	53,7	64	63,6
2	Bilirubin, umumiy	5.4-51 mmol/L	27,3	22,9	18,5	19,7	28,6	29,1	26,7	26	24,3	26,2
3	Bilirubin to'g'ri (pryamoy)	5.4-51 mmol/L	7,4	6,9	7,8	7,4	12,9	10,3	6,4	9	12	3,7
4	Alaninamino transferaza (kinetik metod)	2.7-21 u/L	8,3	20	20	27	29	22	20	27	29	26
5	Aspartat aminotransferaza (kinetik metod)	116-287 u/M	225	158	192	210	196	150,9	198	200	220	262
6	Xolesterin	1.8-3.7 mol/L	1,6	2,7	2,7	2,1	2	2	2,3	1,9	2	2
7	Glyukoza	3.5-6.3 mol/L	3,7	3,4	3,6	2,9	3,7	2,9	2,9	3	3,4	2,5
8	Siydik kislotasi	3.5-8.53 mol/L	6,6	5,3	7,3	6,2	5,6	7,9	8,4	4,3	6,5	7,3

(turg'unligi) mavjud. Qon ishlab chiqaruvchi to'qima va ichki-a'zolar har xil fiziologik va patologik ta'sirotlarga javob reaksiyasi beradi va bu xodisa o'z navbatida qon ko'rsatkichlarida o'zgarishlar sodir bo'lishiga olib keladi. Shuning uchun qon ko'rsatkichlarini tekshirish va tahlil qilish muhim diagnostik ahamiyatga ega. Qonning biokimyoviy ko'rsatkichlari otlarning sog'lik statusi, oziqlantirish va moddalar almashinuvi jarayonlarini aks ettiradi. Ma'lumki, biokimyoviy reaksiyalari organizmda mutlaq bir-biri bilan bog'liq. Bir qon komponenti miqdorining o'zgarishi yoki boshqa birining sintezlanishi organizmning reaktivligini ifodalaydi (1-jadval). 1-jadval natijalaridan ko'rinib turibdiki, tekshirilayotgan otlar qonidagi umumiy oqsil miqdori ko'rsatkichlari biyalar organizmida ayg'irlarga nisbatan birmuncha yuqoriroq natijalarni ko'rsatdi. Bu jabhada biya va ayg'irlar qonidagi umumiy oqsil miqdorlari o'rtasidagi tafovut otlarning yoshi, jinsi, saqlash sharoiti, oziqa ratsioni, individual rezistentligi va boshqa omillarga bog'liq.

Qondagi bilirubin miqdori ayg'ir otlarda biyalarga nisbatan 4-5% ko'proq ko'rsatkichni tashkil qildi. Bilirubin gemoglobinning metabolizm mahsuloti bo'lib, otlarning jigarida glyukuron kislotasi bilan kon'yugatsiyalanadi va oqibatda mono- va diglyukuronidlar hosil bo'ladi va gemoglobin (to'g'ri gemoglobin) o't suyuqligi bilan ajralib chiqadi. Qondagi ALT va AST fermentlari ko'rsatkichlarida ayg'ir va biyalar qonida natijalar bir-biridan kam farq qildi. ALT va AST fermentlari ko'rsatkichlari otlarning parenximatov



3-rasm. Qorabayir otchilik majmuasida ish jarayonidan lavhalar

a'zolari va qon xujayralari tarkibidagi aminokislotalardagi metabolizm jarayonini ko'rsatadi. Ma'lumki, fermentlar kelib chiqishi jihatidan oqsil tabiatli tabiiy biologik faol modda bo'lib, organizmda metabolizm jarayonlarida biologik katalizator vazifasini bajaradi.

Tekshirilgan otlar qoni tarkibidagi xolesterin, glyukoza va siydik kislotalari bo'yicha natijalar fiziologik me'yor ko'rsatkichlariga mos keladi.

Xulosa. Shunday qilib, tekshirish natijalariga ko'ra, "Qorabayir" zotli otlar qonining biokimyoviy ko'rsatkichlari ularning sog'lik statusi, oziqlantirish va moddalar almashinuvi jarayonlarini aks ettiradi. Bir qon komponenti miqdorining kamayishi yoki boshqa birining sintezlanishi organizmning reaktivligini ifodalaydi. Otlar qonidagi umumiy oqsil miqdorlari o'rtasidagi tafovut ularning yoshi, jinsi, saqlash sharoiti, oziqa ratsioni, individual rezistentligi va boshqa omillarga bog'liq. ALT va AST fermentlarini tekshirishdan olingan natijalar otlar organizmida patologik jarayon yoki yallig'lanishlarning yo'qligini ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Гематологические анализаторы. Интерпретация анализа крови: Методические рекомендации /С.А.Луговская, М.Е.Почтарь, В.В.Долгов. – М.-Тверь: ООО «Издательство «Триада», 2007. – 112 с.
2. Гильмутдинов Р.Я., Курбанов Р.З. Исследование крови животных: Методические аспекты /- Казань: Изд-во ТГПИ, 2000. – 240 с.
3. Жарков, А.Д. Практикум по клинической биохимии животных / А.Д.Жарков. - Воронеж, 2007. - 110 с.
4. Иванов А.А. Клиническая лабораторная диагностика: Учебное пособие. – СПб.: Издательство «Лань», 2017. – 432с.
5. Кишкун А.А. Назначение и клиническая интерпретация результатов лабораторных исследований: Руководство М.: ГЭОТАР-Медиа, 2016. – 448с.
6. Медведева М.А. Клиническая ветеринарная лабораторная диагностика. Справочник для ветеринарных врачей / – М.: Аквариум Принт, 2013. – 416с.
7. Методологические основы оценки клинико-морфологических показателей крови домашних животных / Е.Б. Бажибина [и др.]. – Москва : Аквариум, 2004. – 126 с.